

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Кириш

I-боб. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг мақсадлари, вазифалари ва асосий йўналишлари

1.2. Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг босқичлари ҳамда назарий ва ҳуқуқий асослари

1.3. Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишга доир халқаро стандартлар

Биринчи боб бўйича хулосалар

II-боб. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари

2.2. Электрон иш юритуви, прокурор ва тергов фаолиятига оид рақамли технологияларидан фойдаланиш амалиёти таҳлили

2.3. Фаолиятга жорий этилган рақамли технологияларидан фойдаланишнинг хатарлари ва уларни олдини олиш бўйича механизмлар

Иккинчи боб бўйича хулосалар

III-боб. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг хорижий тажрибаси бўйича қиёсий-ҳуқуқий таҳлил

3.2. Прокуратура органлари фаолиятини тўлақонли рақамли трансформация қилиш ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланишдаги муаммолар таҳлили ва уларни ҳал қилиш бўйича ечимлар

Учинчи боб бўйича хулосалар

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ соҳасини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда прокуратура органларининг ролини кучайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Халқаро стандартларга жавоб берадиган соҳа қонунчилиги шакллантирилиб, доимий равишда такомиллаштирилмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида¹ қонунийликни қатъий таъминловчи, очик ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда фаолият ошқоралигини ва жамият олдида ҳисобдорлигини таъминлаш вазифаси белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тергов фаолиятини назорат қилиш, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган янги турдаги жиноятлар, шу жумладан кибержиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ислоҳ қилиш вазифалар қўйилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноятлар ҳақида хабарларни ҳисобга олиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жиноятларни яшириш ҳолатларининг олдини олишда замонавий усуллардан фойдаланиш вазифаси белгилаб қўйилди.

Ушбу вазифалар сифатли ва тўлиқ бажарилиши прокуратура органлари фаолияти рақамли трансформация қилиниши билан боғлиқ. Дарҳақиқат, республикамизда барча соҳа ва тармоқлар, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони

шаффофликни ошириш, коррупция хатарларини камайтириш ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шунингдек аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида маъмурий жараёнларни рақамлаштириш бўйича кенг қўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Зотан, ахборот тизимлари ва ресурслари давлат органлари ва ташкилотларида анъанавий жараёнларни қисқартириш, тезкорлик ва унумдорликни ошириш, инсон омилини истисно қилишга хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг, хорижий ва халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолияти натижадорлигини уларнинг самарали ахборот-коммуникация хизматларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Масалан, биргина электрон ҳужжат айланишини рақамлаштириш жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнини тезлаштириш, қоғоз ва почта хизматлари харажатларини тежашга имкон берди (биргина 2021 йилда “Электрон ҳужжат айланиши” тизими ёрдамида 3,2 млрд сўм тежалган).

Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мавзуси ҳам муҳим долзарб мавзулардан биридир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация мавзуси шу кунга қадар Ўзбекистон Республикасида мустақил тадқиқот объекти сифатида махсус монографик жиҳатдан тадқиқ қилинмаган. Мамлакатимизда фақатгина судлар фаолиятини рақамлаштириш билан боғлиқ қуйидаги: Ш.Шорахметов²,

² Шорахметов Ш.Ш. Проблемы гражданского судопроизводства по защите прав и законы интересов граждан Республики Узбекистан // Автореф. дисс. док. юрид. наук. 12.00.03 - Гражданское право. Предпринимательское право. Семейное право. Международное частное право. –Т.: 1996. –С. 56.; Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. -Тошкент: Адолат, 2010. - 151 б.

Ф.Ф.Мухитдинова,³ М.М.Мамасиддиқов⁴, Х.Т.Маматов,⁵ З.Н.Эсанова,⁶ О.Р.Сулаймонов,⁷ Д.Ю.Хабибуллаев⁸, Ж.М.Абдуллаев,⁹ И.Н.Закирова¹⁰, Ж.Х.Абдурахмонхўжаев¹¹, Л.Х.Ахмедова,¹² С.А.Марипова,¹³ Х.А.Кучқаров,¹⁴ О.Ш.Пирматов¹⁵, Г.М.Бердимуратова¹⁶нинг тадқиқот ишларида у ёки бу даражада фуқаролик, иқтисодий ва жиноий суд ишларини юриштиринг ошқоралигини таъминлашнинг процессуал ҳуқуқий асослари ҳамда жамиятда ОАВнинг ролини оширишга доир масалалар ёритилган. Бироқ прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-

³ Мухитдинова Ф.Ф. Становление и развитие судебной власти в Республике Узбекистан // Автореф. дисс. док. юрид. наук. 12.00.01 - Теория и история государства и права. История правовых учений. –Т.: 2013. – с. 56.

⁴ Мамасиддиқов М., Окюлов О., Тиллабаев М. Судлар фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва бу соҳадаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари // Монография. –Т.: “Turon zamin ziyo”. 2017. – 390 б.; Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик суд ишларини юриштирда ошқоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг долзарб масалалари / Монография. – Тошкент. Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи. 2019. – 140 б.

⁵ Маматов Х.Т. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари // Юрид. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи. –Т.: 2009. -26 б.

⁶ Эсанова З.Н. Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни фуқаролик судида кўришнинг процессуал хусусиятлари: Юрид. фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. –Тошкент: ТДЮИ. 2010, -52 б.

⁷ Сулайманов О.Р. Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро-ҳуқуқий стандартларни имплементация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари: Юрид. фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. –Тошкент. IMPRESS MEDIA. 2020. – 64 б.

⁸ Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари ва уларни суд амалиётида татбиқ этиш муаммолари: Юрид. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. –Тошкент: ТДЮИ. 2007, -25 б.

⁹ Абдуллаев Ж.М. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот восита-ларининг роли (назарий-ҳуқуқий масалалари) // Юрид. фанлари номзоди илмий даража-сини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи. –Т.: 2008. -26 б.

¹⁰ Закирова И.Н. Процессуальные особенности компенсации морального вреда, нанесенного средствами массовой информации // Автореф. дисс. **канд. юрид. наук.** 12.00.03 – Гражданское право. Гражданский процесс. Семейное право; международное частное право. –Т.: 2005. -26 б.

¹¹ Абдурахмонхўжаев Ж.Х. Ўзбекистонда судьялар корпусини шакллантиришни такомил-лаштириш ва улар мустақиллигини таъминлаш // Юрид. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2020. -26 б.

¹² Ахмедова Л.Х. Открытое разбирательство дел в уголовном судопроизводстве Республики Узбекистан // Автореф. дисс. **канд. юрид. наук.** 12.00.09 - Уголовный процесс. Кримина-листика. Оперативно-розыскное право и судебная экспертиза. -Ташкент, Академия МВД Республики Узбекистан. 1998. -26 с.

¹³ Марипова С.А. Гражданский процесс // Учебник для студентов высших учебных заведений. Общая часть. –Т.: ТГЮИ. -2009. -212 с.

¹⁴ Кучқаров Х.А. Фуқаролик процессида ишларни содалаштирилган тартибда кўришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Юрид. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2019. - 50 б.

¹⁵ Пирматов О.Ш. Иқтисодий ва фуқаролик суд ишларинини юриштирда электрон далилларнинг процессуал жиҳатлари // 12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация. Юрид. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2020. -135 б.

¹⁶ Бердимуратова Г.М. Қорақалпоғистон Республикасида суд ҳокимиятини ислоҳ қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. -Нукус, 2021. – 48 б.

хуқуқий асосларини такомиллаштириш мавзусида мамлакатимиз олимлари томонидан комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган.

Хорижий давлатларнинг олимларидан О.М.Полиева 12.00.11 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш ихтисослиги доирасида “Умумий юрисдикция судлари фаолиятида ошкоралик ва ахборотнинг очиклиги” мавзусида номзодлик диссертацияси устида иш олиб борган¹⁷.

Гурулев Д.В.¹⁸, Пашин В.М., Павлюков В.В.¹⁹. томонидан прокурор назорати фаолиятида ахборот тизимларидан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар ўрганиб чиқилган.

МДХнинг олимлари А.К.Горбуза²⁰, В.И.Анишина²¹, Е.Г. Фоменко²², Соколов А.В.²³, Потапенко С.В.²⁴ томонидан прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мавзусида мамлакатимиз олимлари томонидан комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган.

Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш тадқиқот иши сифатида илк маротаба тадқиқ этилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда прокуратура органлари

¹⁷ Полиева О.М. Гласность и информационная открытость в деятельности судов общей юрисдикции: дисс. канд. юрид. наук: 12.00.11. Ростовский юридический институт МВД России. - Ростов-на-Дону, 2014. - 210 с.

¹⁸ Гурулев Д.В. Правовые и организационные основы использования прокурорами информационных технологий при осуществлении основных видов деятельности прокуратуры // Вестник ТГУ, выпуск 8 (124), 2013. <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovye-i-organizatsionnye-osnovy-ispolzovaniya-prokurorami-informatsionnyhtehnologiy-pri-osuschestvlenii-osnovnyh-vidov/viewer>

¹⁹ Пашин В.М., Павлюков В.В. Использование информационных систем при осуществлении прокурорского надзора в сфере оперативно-розыскной деятельности. Юридические науки, Вестник КГУ № 3, 2019.

²⁰ Горбуз А.К. Доступность судебного решения // Российская юстиция. 2001. № 1. - С. 36.

²¹ Анишина В.И. Принцип гласности, открытости и транспарентности судебной власти: проблемы теории и практики реализации // Мировой судья. 2006. № 11. - С. 21.

²² Фоменко Е.Г. Принцип публичности гражданского процесса: истоки и современность. Автореф. дис. на соискание уч. ст. канд. юр. наук. – Томск, 2006. – 24 с.

²³ Соколов А.В. Механизмы и принципы информирования о деятельности органов власти и управления СМИ в информационном взаимодействии власти и общества. Материалы всероссийской конференции. (Москва, к7-к8 марта 2005 г.) -М.: Издательство Хроникер, 2005. -С.272 Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.frip.ru/newftip/cut/library/sel?tic=2&eid=225>], свободный.

²⁴ Потапенко С.В. Значение открытости и гласности судопроизводства для повышения уровня доверия к судебной власти // Актуальные проблемы развития гражданского законодательства на современном этапе.: сб. научн. ст. по материалам Всерос. науч.-практ. конф., 28 февраля 2014 г. / ред. кол.: А.В. Герасимов и др. - Краснодар, Краснодарский ун-т МВД России, 2014. -С. 24-30.

фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг мақсадлари, вазифалари ва асосий йўналишларини аниқлаш;

прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг босқичлари ҳамда назарий ва ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил этиш;

электрон иш юритуви, прокурор ва тергов фаолиятига оид рақамли технологияларидан фойдаланиш амалиёти таҳлилинини ҳал этиш;

фаолиятга жорий этилган рақамли технологияларидан фойдаланишнинг хатарлари ва уларни олдини олиш бўйича механизмларни ўрганиш;

прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг хорижий тажрибаси бўйича қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

прокуратура органлари фаолиятини тўлақонли рақамли трансформация қилиш ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланишдаги муаммолар таҳлили ва уларни ҳал қилиш бўйича ечимларни ҳал этишга доир таклиф ва тавсиялар беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ташкилий-ҳуқуқий асосларини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадиққотнинг усуллари. Тадқикот олиб боришда умумлаштириш, дедукция, тизимли ёндошув, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, сўровнома ўтказиш, аниқлаштириш, статистик маълумотлар таҳлили ва суд амалиёти таҳлилий ўрганиш каби усуллар қўлланилган.

Тадқикот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқикот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган таклифлар ва илмий хулосалардан прокуратура органлар фаолияти назариясини ривожлантириш, прокуратура фаолиятида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг назарий асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқикот натижаларининг амалий аҳамияти мавзунини тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда, “Прокурор назорати”, ахборот ҳуқуқи йўналишидаги илмий тадқиқотларда, норма ижодкорлигида, прокуратура ва суд амалиётида, “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи”, “Иқтисодий процессуал ҳуқуқи”, “Жиноят процессуал ҳуқуқи”, “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар”, “Ахборот ҳуқуқи” ва бошқа махсус модуллардан маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўқитишда, дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, еттита параграфни қамраб олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

I-БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг мақсадлари, вазифалари ва асосий йўналишлари

Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг мақсадлари, вазифалари ва асосий йўналишларига тўхталиб ўтарканмиз, юридик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, прокуратура ва судлар фаолиятининг очиқлиги ва судда иш юритишнинг ошкоралиги каби тушунчалар ўртасида мавжуд бўлган нисбатлар юридик-илмий жамоатчилик ўртасида доимо муҳокама марказида бўлиб келган ва бу борада ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турли фикр-мулоҳазалар илгари сурилганлигини кўриш мумкин. Мазкур олимлар кўпроқ судда иш юритишнинг очиқлиги билан боғлиқ тушунчаларга тўхталиб ўтишган.

Хусусан, А.К.Горбузанинг фикрича, “очиқлик” атамаси бир томондан, аксарият ҳолатларда суд қарорларига нисбатан қўлланилса, иккинчи томондан давлат органи сифатида судлар фаолиятига нисбатан қўлланилади, “ошкоралик” атамаси эса суд процессига нисбатан қўлланилади²⁵.

В.И.Анишинанинг таъкидлашича, транспарентлик тушунчаси ҳам мавжудки, ушбу тушунча кўп маъноли бўлиб, унинг доирасида “очиқлик”, “ошкоралик”, “шаффофлик” каби терминлар ҳам қўлланилиб келинади ва улар ўз аҳамиятига кўра бир-бирлари билан жуда яқин, лекин айнан эмас. Уларнинг ҳар бири суд ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолиятининг айрим жиҳатлари билан боғлиқдир²⁶.

Е.Г.Фоменко эса “ошкоралик” очиқликнинг таркибий қисми эканлигини, транспарентлик эса очиқлик ва ошкораликни ҳам ўзида қамраб олувчи нисбатан кенгроқ тушунча эканлигини таъкидлайди²⁷.

²⁵ Горбуз А.К. Доступность судебного решения // Российская юстиция. 2001. № 1. - С. 36.

²⁶ Анишина В.И. Принцип гласности, открытости и транспарентности судебной власти: проблемы теории и практики реализации // Мировой судья. 2006. № 11. - С. 21.

²⁷ Фоменко Е.Г. Принцип публичности гражданского процесса: истоки и современность. Автореф. дис. на соискание уч. ст. канд. юр. наук. – Томск, 2006. – 24 с.

Ҳуқуқшунос олим Д.Ю.Хабибуллаев суд муҳокамасининг ошкоралигини, бир томондан, суд иш юритувининг демокративлиги белгиси бўлса, иккинчи томондан, судда конституциявий тамойилларга риоя этилиши устидан аҳолининг назорат усули эканлигини таъкидлайди²⁸.

Кўриб турганимиздек, юридик адабиётларда суд фаолиятининг очиклиги, ошкоралиги ва транспарентлиги каби турли тушунчалар илгари сурилмоқда. Айрим ўринларда миллий қонунчилигимизда ҳам ушбу атамаларни турлича номлаш, улар ўртасидаги фарқ ва нисбатларга эътибор бермаслик кўзга ташланади. Масалан, миллий қонунчилигимиз таҳлили шуни кўрсатадики, гоҳида “транспарентлик” атамаси “ошкоралик” деб ҳам таржима қилинади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”нинг II-бўлим, иккинчи қисмининг I-бандида келтирилган “Суд-тергов фаолиятининг шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш” ҳақида гап боради. Бу ўринда ушбу ҳужжатнинг рус тилидаги матнида шаффофлиги ва ошкоралик тегишлича “прозрачность” ва “транспарентность” деб таржима қилинган.²⁹ Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги “Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2737-III/КҚ-593-III-сон Қўшма қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш

²⁸ Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. -Тошкент: ТДЮИ, 2006. -65 б.; Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари ва уларни суд амалиётида татбиқ этиш муаммолари. Юрид. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. –Тошкент: ТДЮИ. 2007. -18 б.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши тўғрисида”ги Низомининг 3-бандида “транспарентност” атамаси “шаффоф” деб таржима қилинган³⁰.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари томонидан судда иш кўришнинг ошкоралиги ва судлар фаолиятининг очиқлиги каби атамалар ўртасидаги нисбатга эътибор қилмай, уларни бир хилда талқин қилиш каби ҳолатлар ҳам кузатилади.

Бизнинг фикримизча, прокуратура фаолиятининг ошкоралиги, очиқлигини таъминлашнинг муҳим шаклларида бири бўлиб, прокуратура фаолияти давомида иштирокчиларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришдаги муҳим юридик кафолат вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам “ошкоралик” атамаси прокуратура фаолиятида муҳим принципи сифатида мамлакатимизнинг деярли барча процессуал кодексларида (ЖПК, ФПК, ИПК ва МСИЮтК) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган бўлиб, ушбу принципти прокуратура фаолиятини амалга оширишнинг конституциявий принципи сифатида қараш лозим.

Шу маънода “ошкоралик” атамаси прокуратура фаолиятини амалга оширишнинг принципи сифатида қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Прокуратура фаолиятини амалга оширишни ошкоралигининг мақсади инсонларнинг прокуратура органларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, прокуратура фаолиятида ОАВнинг иштироқи орқали прокуратура фаолиятида жамоатчилик назоратини таъминлаш ҳисобланади.

Шу жиҳатдан олганда, фуқаролик жамиятининг турли институтлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг моҳияти, мазмуни ва шакллари таҳлил қилиш, жамоатчилик назоратининг тушунчаси, уни амалга оширувчи субъектлар доираси, назоратга тортиладиган объектлар, назоратга тортиш шакл ва услублари ҳамда у қандай ҳолатларда намоён бўлиши тўғрисидаги назарий ва амалий масалаларни тадқиқ этиш

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги 2737-III/КҚ-593-III-сонли Қўшма қарори

олимлар олдида турган долзарб масалалардан биридир. Таъкидлаш жоизки, ушбу масалалар мамлакатимиз ва хорижлик олимлар томонидан тадқиқот объекти сифатида муайян даражада ўрганилиб келинмоқда³¹.

Жамиятда ушбу назоратни махсус амалга ошириш вазифаси юклатилган маълум бир тизим, органлар, ресурслар мавжуд эмаслиги сабабли, жамоатчилик назорати институти нисбатан мавҳум тушунча бўлиб кўринсада, ижтимоий воқелиқда ушбу институтнинг роли ҳамда аҳамияти айнан фуқаролик жамияти институтлари фаолияти орқали намоён бўлади.

Хорижий давлатларнинг тажрибаларидан бизга маълумки, жамоатчилик назоратининг мақсади давлат органлари ва маҳаллий бошқарувнинг самарадорлигини таъминлаш, давлат сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда мансабдор шахслар томонидан қонунга риоя қилиш ҳамда фуқаролар, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ўзларининг фаолиятини самарали амалга оширишлари учун кўмаклашишдан иборатдир³²,

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш шаклларига оид турли хил ёндашувларни умумлаштириш ва бу борадаги мавжуд амалиётни таҳлил этиш орқали кўйидагиларни таъкидлаб ўтиш мумкин:

ҳокимият органлари фаолиятининг доимий, тизимли мониторингини олиб бориш, бу шакл асосан ўтиш даврида бўлган ва ижтимоий-сиёсий тузум ўзгараётган давлатларга хос бўлади;

ҳокимият органлари фаолиятига оид манзилли мониторинг олиб бориш (Масалан, экологик жамоат ташкилотларини давлат ҳокимияти органларининг экология соҳасидаги сиёсатини назорат қилиши);

ижтимоий муҳим бўлган қарорларни қабул қилишда жамоатчиликнинг иштироки;

³¹ Жасимов И. Қонунлар нжроси устидан прокурорлик назоратининг ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси. -Тошкент, 2004. -№11. -Б.48-52.

³²Исмоилов Б.И. Давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг амалий жиҳатлари / Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт Илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент: ТДЮИ, 2007. - Б.46,

ҳокимият органлари ҳузурида назорат комиссияларининг, жамоатчилик кенгашларининг ташкил этилиши.

А.В.Соколовнинг фикрича, жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши, ўз навбатида муайян шароитларнинг мавжуд бўлишини тақозо қилади, Булар: ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатланганлиги; фуқаролик жамияти институтларининг мавжудлиги; давлат органлари фаолиятининг демократик тамойиллар асосида юритилиши; мустақил ОАВнинг мавжудлиги ва бошқалар³³.

Дарҳақиқат, ушбу омиллар жамоатчилик томонидан давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ҳолисона баҳолаш имконини туғдиради.

Ўз ўрнида жамоатчилик назоратини кимлар ёки қандай тузилмалар ва субъектлар амалга ошириши мумкин, деган ҳақли савол туғилади. Мавжуд қонунчиликда жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар доираси муайян даражада белгиланган бўлиб, унга кўра жамоатчилик назоратининг умумэтироф этилган субъектлари қаторига: фуқаролар ҳамда уларнинг гуруҳлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва ОАВ, давлат ҳокимияти органлари ҳузуридаги турли хил жамоатчилик кенгашлари ва бошқалар кириши кўрсатиб ўтилган.

Давлат ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишни асосий усулларида бири бу жамоатчиликни мазкур органлар фаолияти тўғрисида очиқ ва ҳаққоний хабардор этишдир. Ўта муҳим бўлган ушбу вазифани бажаришда фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланган ОАВга алоҳида аҳамият берилади.

Дарҳақиқат, ОАВ фаолияти орқали давлатга нисбатан ўзига хос таъсир кучи яратилади. Ушбу таъсир жамоатчилик фикрини вужудга келтириши, ҳокимият ва бошқарув органларини тегишли қарор қабул қилишга, бузилган

³³ Соколов А.В. Механизмы и принципы информирования о деятельности органов власти и управления СМИ в информационном взаимодействии власти и общества. Материалы всероссийской конференции. (Москва, 7-8 марта 2005 г.) -М.: Издательство Хроникер, 2005. -С.272 Электронный ресурс. Режим доступа: [http://www.frip.ru/newftip/cut/library/sel?tici=2&eid=225, свободный.

ҳуқуқни тиклаш ёки ҳуқуқни ҳимоя қилиш жараёнини амалга оширишга, кишиларда ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланишига асос бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ОАВ айрим сиёсий ва ижтимоий жараёнларга, давлат ва жамият қурилиши масалаларига ҳамда қабул қилиниши назарда тутилаётган қонун лойиҳалари ва ҳукумат қарорларига ўз муносабатларини билдириши орқали жамоатчилик назоратини амалга оширадилар.

Фуқаролик жамиятида ОАВ фақатгина у ёки бу масала юзасидан фуқароларнинг муҳофафазаларидан кейингина эмас, балки давлат ҳокимиятининг бутун фаолияти устидан тизимли назоратни амалга оширадиган ҳамда "тўртинчи ҳокимият" деб эътироф этишга асос бўлган мустақил жамият назоратчиси сифатида намоён бўлади. ОАВ ҳар қандай фуқаро ва журналист учун ўз фикрини эълон қилиш имкониятини бериб, давлат ва нодавлат тузилмаларига нисбатан ўзига хос таъсир кучи яратадилар. Ушбу таъсир жамоатчилик фикрини вужудга келтиришга, ҳокимият ва бошқарув органларини тегишли қарор қабул қилишга, бузилган ҳуқуқни тиклаш ёки ҳуқуқни ҳимоя қилиш жараёнини амалга оширишга, кишиларда ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланишига асос бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ОАВ айрим сиёсий ва ижтимоий жараёнларга, давлат ва жамият қурилиши масалаларига, қабул қилиниши назарда тутилган қонун лойиҳалари ва ҳукумат қарорларига ўз муносабатларини билдириш орқали жамоатчилик назоратини амалга оширишга ёрдам берадилар.

Юқорида таъкидланганидек, ОАВ нафақат давлат ҳокимияти органлари фаолияти, балки, давлат сиёсатига муайян даражада таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган жамият сиёсий тизимининг бошқа институтлари устидан ҳам жамоатчилик назоратини амалга оширишлари зарур бўлади. Дарҳақиқат, жамоатчилик назорати сиёсий ва ижтимоий элитани муайян даражада жамият манфаатларини ва ҳоҳиш истакларини эътиборга олган ҳолда фаолият юритишга мажбур қилади. Бинобарин, назоратга бўлган иммунитет чекланмаган ҳокимиятга йўл очиб беради. Ўз навбатида, жамиятнинг турли институтлари ҳам ОАВ фаолиятини муайян даражада

назорат қиладилар, чунки ахборот соҳасида глобаллашув жараёни кечаётган бугунги кунда айрим ОАВ муайян гуруҳларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий манфаатлари учун хизмат қилаётганликлари ҳеч кимга сир эмас. Бундай шароитда, ОАВ мазкур кучларнинг манфаатларини амалга оширувчи ҳамда жамият онгига кучли таъсир ўтказувчи манипулятив воситага айланиб қолиш хавфи юзага келиши мумкин. Бундай салбий ҳолатларнинг вужудга келмаслиги учун ОАВнинг фаолияти жамият сиёсий тизими, хусусан, ҳокимият тепасида турган кучларнинг таъсири ёки иқтисодий механизмлар орқали назорат қилиб борилади.

Дарҳақиқат, хорижлик олимлар нафақат прокуратура органлар фаолиятида балким, судда иш кўришнинг ҳамда прокуратура фаолиятида ошкоралиги деганда, ишларнинг суд мажлисида кўрилишида ва прокуратура органлари фаолиятида барча шахсларнинг, шу жумладан ОАВ вакилларининг иштирок этишини тушунади³⁴.

“Очиқлик” эса Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида мустаҳкамланган ҳар кимнинг ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатишга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилиб, бир вақтнинг ўзида фуқаро ва ташкилотларнинг прокуратура органлари ва суд ҳокимияти фаолияти билан боғлиқ маълумотларни олиш жараёнини ўзида қамраб олиши лозим.

Бироқ айрим ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи мутахассислар бу икки тушунчани кўпинча ўзига хос белгилари ва жиҳатларига эътибор бермайди, уларни бир-биридан фарқламайди. Масалан, С.В.Потапенконинг фикрича, очиқ суд мажлисида иштирок этиш, яъни судда иш кўришнинг ошкоралигини судлар фаолияти ҳақидаги маълумотларга кириш ва уларга эга бўлишнинг воситаси сифатида кўрсатади. Шунингдек, муаллиф ОАВдан судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни олиш (эълон қилиш); Интернет тармоғига маълумотларни жойлаштириш; маълумотларни судлар биноларига

³⁴ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -47 с.

жойлаштириш; архив фондлари маълумотлари билан танишиш; сўров бўйича маълумот беришни ҳам судлар фаолияти ҳақидаги маълумотларга кириш ва уларга эга бўлишнинг воситаси деб эътироф этади³⁵.

Бизнинг фикримизча, суд муҳокамасининг ошкоралиги суд томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонуний ва асослилигини таъминлаш баробарида ҳамма судларда ишларнинг очиқ кўрилишини, ишларни ёпик мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилишини шз навбатида суд жараёнида прокурор иштирокини ҳам таъминлашда ҳамда мазкур принцип асоси ва тартибини белгилайди. Бинобарин, фуқаролик процессуал ҳуқуқида суд муҳокамасининг ошкоралиги принципи ушбу ҳуқуқ соҳасининг бир вақтнинг ўзида суд тузилиши ва суд процессини белгилаб берадиган ташкилий-функционал принципларига кириши³⁶ ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Масалан, биргина суд ҳокимиятининг очиқлиги эса юқорида ҳуқуқшунос олим С.В.Потапенко таъкидлаганидек, ОАВ орқали судлар фаолияти тўғрисида маълумотларни олиш ва уни эълон қилиш; суд фаолиятига оид маълумотларни Интернет тармоғига, суд биноларига жойлаштириш; суднинг архив маълумотларидан фойдаланиш кабиларда намоён бўлади. Бир сўз билан айтганда, суд ҳокимиятининг очиқлиги судда кўрилаётган конкрет иш (фуқаролик, иқтисодий, маъмурий, жиноий ишлар назарда тутилмоқда) бўйича қонуний ва асослантилган қарор қабул қилинишига бевосита таъсир кўрсатмайди, суд қарорларининг юқори инстанция судлари томонидан бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

Ш.Ш.Шорахметов, М.М.Мамасиддиқов, Д.Ю.Хабибуллаев, А.К.Горбуза, В.И.Анишина, Е.Г.Фоменко, К.Ф.Гуценко каби бир гуруҳ олимларнинг судлар фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва транспарентлиги тушунча-

³⁵ Потапенко С.В. Значение открытости и гласности судопроизводства для повышения уровня доверия к судебной власти // Актуальные проблемы развития гражданского законодательства на современном этапе.: сб. научн. ст. по материалам Всерос. науч.-практ. конф., 28 февраля 2014 г. / ред. кол.: А.В. Герасимов и др. - Краснодар, Краснодарский ун-т МВД России, 2014. -С. 24-30.

³⁶ Мамасиддиқов М.М., Ёдгоров Х.Б., Давлетов Ў.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. –Тошкент. ХТИ нашриёти. 2018. – 55 б.

сига берган таърифлари шуни кўрсатадики, суд фаолиятининг очиқлиги тушунчасига нисбатан ягона илмий ёндашув, ҳуқуқий таъриф мавжуд эмас, ишлаб чиқилган таърифларнинг аксарияти процессуал ҳуқуқ назариясида шаклланган, ошкоралик атамаси эса ишни судда кўришнинг принципи сифатида қўлланилади ҳамда унинг замирида фуқаролар ва ташкилотларнинг қатор процессуал ҳуқуқларга эга бўлишлари ётади. Бу ўринда очиқлик атамаси суд ҳокимиятининг фаолияти тўғрисида ахборотларга эга бўлишни таъминлаш масалаларини ўзида камраб олади.

К.Ф.Гуценко тўғри таъкидлаганидек, ошкоралик принципнинг моҳияти - бу процесс иштирокчилари бўлмаган барча фуқароларга уларни судда иштирок этиш имкониятини беришдир. Бу, назарий жиҳатдан, одил судлов демократиясига ёрдам бериши керак; фуқароларга суд жараёни бўлиб ўтадиган бинода бўлиш имкониятининг берилиши - бу одил судлов устидан халқ назоратининг ўзига хос бир тури бўлиб, судни интизомга чақиради, юзага келадиган муаммоларни мазмунан ҳал қилиш масаласига янада масъулиятли муносабатда бўлишга мажбур қилади, судда содир бўлаётган барча нарса максимал даражада ишончли ва асосли бўлишига замин яратади.³⁷

Рақамли трансформация эса, прокуратура органлари фаолиятининг янги усуллари жорий қилинишини назарда тутилиб, кўплаб хизматлар онлайн усулига ўтказилади.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар прокуратура органлари фаолиятининг соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида 2020 йил 5 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 6079-фармони имзоланган. Ушбу ҳужжат Ўзбекистоннинг барча соҳаларини рақамлаштириш билан бир қаторда Ўзбекистон замонавий амалиётида «Legal tech» технологиясини

³⁷ Гуценко К.Ф. Правоохранительные органы: учебник. -2-е изд., испр. и перераб. –М.: КНОРУС, 2013. – С. 98.

кўллаш учун ҳуқуқий база яратиш айтиб ўтилган. Ҳужжатга асосан ўз-ўзига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш – «Legal Tech» электрон ахборот тизимини жорий этиш белгиланган.

Шунингдек, 2020 йилда юридик кадрларнинг ахборот ҳуқуқий технологиялар ва тизимларни (Legal Tech) ишлаб чиққан ҳолда ҳуқуқ соҳасида илмий-инновацион тадқиқотлар ўтказишини ташкил этиш вазифаси кўйилди. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистонда «Legal Tech» тизимининг ривожланишига асос бўлиши мақсад қилинган.

Кўплаб олимлар «Legal tech» тизимини АҚШда пайдо бўлган деган фикрни илгари суришади. Биринчи Legal tech компанияси LexisNexis деб номланган ва унга 1977 йилда асос солинган. Бироқ ушбу соҳа 2000 йилларда, автоматлаштирилган ҳужжат яратиш бўйича биринчи онлайн юридик маслаҳат ва хизматлар пайдо бўлганда фаол ривожлана бошлади.

Ҳозирда прокуратура органлари ва юридик хизматни энг янги технологиялардан фойдаланишга мослашмаган энг қадимги юридик фирмаларнинг бизнес моделлари самарадорлигининг етарли эмаслигидан азият чекиб келмоқда. Эндиликда улар анъанавий ҳуқуқий кўллаб-қувватлаш шакллари йўқ қилиб, рақамли платформалар орқали керакли маълумотларни олишга имкон берувчи майдон, шунингдек, юридик хизматлар бозорини ривожлантириш учун Legal tech тизимидан фойдаланишга урғу бермоқда. Ушбу тизим адвокатлар фаолиятига тўғридан тўғри таъсир этади.

«Legal tech» тизимининг кириб келиши прокуратура фаолияти ва адвокатлик хизматларининг сифати ошишига хизмат қилади, фуқароларга ҳам малакали адвокат танлаш имконини беради. Бошқа технологиялар сингари Legal tech тизимининг технологик ечимлари ҳам ҳуқуқий тартибга солишга муҳтож эмас. Сабаби бундай дастурлар ишлаб чиқилишида ҳуқуқий тизим дастурнинг ички қисмига жойланади. Бунда энг муҳими дастурнинг хотирасига жойланаётган юридик хизматлар учун фойдаланиладиган маълумотларнинг «қонуний» («ҳуқуқий») характерга эга бўлишидир.

Технологиялар юридик хизматларни тақдим этишни ва олишни соддалаштиради, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг юридик аҳамиятга эга бўлган маълумотларга киришини осонлаштиради. Ҳуқуқ учун технологиялар катта аҳамиятга эга эмас – улар шунчаки белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун воситалар ҳисобланади.

Legal tech тизимининг энг аниқ маҳаллий намунаси контрагентларни текшириш, шартномалар тузиш, муайян иш бўйича суд амалиётини танлаш ва бошқаларни таклиф қилувчи таниқли маълумот-ҳуқуқий тизимларининг хизматлари ёки адвокатларнинг ўзлари учун ишлаб чиққан маълумотлари ҳисобланади. Ушбу маълумотларни электронлаштириш орқали биз янги Legal tech тизимини яратишимиз лозим. Ушбу маҳсулотга қиёслаб, мисол сифатида Американинг Ravel Law компаниясининг Гарвард юридик мактаби кутубхонасидаги 40 миллион саҳифадан ортиқ ёзувларни рақамлаштириш орқали юридик тадқиқотларни осонроқ, тезроқ амалга ошириш имконини беради. Шунингдек, мазкур компания юристлар учун муҳим бўлган суд ишларини тезкор аниқлаш, уларни қандай изоҳлаш кераклигини тушуниш учун соддалаштирилган маълумотларни тақдим этди.

Шунингдек, Legal tech саноат соҳасидаги рақамли трансформация воситаси бўлиб, юридик касбни соддалаштириш учун дастурий таъминот ва технологияларни жалб қилишга ёрдам беради. Россияда ҳуқуқий технологияларни ривожлантириш бўйича энг йирик марказлар қаторига «Сколково» фонди, «Pravo.ru» ва «Гарант» киради.

Шунингдек, замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш янги мураккаб турдаги ҳужумларнинг пайдо бўлишига олиб келди, уларнинг олдини олиш тармоқнинг бирон бир жойида таҳдид аниқланганда самарали ҳимоя чораларини талаб қилади. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг самарали қадамларидан бири замонавий тармоқлараро экранларни ўрнатишдир. Янги авлод экранлари катта ҳажмдаги тармоқ ва булутли трафикни ишончли қайта ишлашни таъминлайди, энг янги

консолидацияланган химоя функцияларини амалга оширишни қўллаб-қувватлайди ва ихчам ўлчамларга эга.

Рақамли трансформациянинг таркибий қисмлари ҳақида гапирганда, гиперконвергентлик йўналиши ҳақида бир нечта сўз қўшмоқчиман.

Интернет-технологияларнинг ривожланиши маълумотларнинг қайта ишлаш марказларининг яратиш зарурлигини белгилайди. Гиперконвергент инфратузилмадан фойдаланиш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Гиперконвергент тизимлар қўлда амалга ошириладиган жараёнларни соддалаштирадиган ноёб бошқарув дастурлари билан жиҳозланган, бу эса ўз навбатида операцион харажатларни камайтиради. Ушбу тизимни жорий этиш билан АТ-муҳити жуда оддий ва тушунарли бўлади. Гиперконвергент инфратузилманинг истеъмолчилари ҳозирги кунда қўлаб йирик корхоналар, банклар, мавжуд серверлар, гипервизор ва виртуал дастурий таъминот билан интеграциялашнинг мослашувчан имкониятларига эътибор қаратмоқда.

Бундан ташқари, биз булут SaaS хизматларини аутсорсинг қилиш, аппарат-дастурий комплекслар ва ахборот тизимларини (аутсорсинг) техник қўллаб-қувватлаш ва сервис хизматларини тақдим этилади.

Бунда прокуратура фаолиятида хатоларга бардошли офатларга чидамли маълумотларни қайта ишлаш марказлари, гиперконвергент ечимлар, IP-телефония ва видеоконференцияларни лойиҳалаштириш ва амалга оширишни таклиф этилади. Бунда сервер, тармоқ ва офис ускуналари, лицензияланган дастурий таъминот, маълумотларни қайта ишлаш марказларининг ахборот хавфсизлиги бўйича комплекс эчимларни лойиҳалаштириш, етказиб бериш, ишга тушириш ва интеграциялашувини амалга оширишимиз мумкин. Шунингдек, тузилган кабел тизимлари ва маҳаллий ҳисоблаш тармоқларини лойиҳалаштириш ва яратиш бўйича вазифаларни профессионал тарзда бажарамиз; тўлиқ (call) марказини яратиш мумкин.

Бу рақамлаштириш вазифаларини ҳал қилиш учун АТ-хизматларидан фойдаланувчиларни ривожлантириш ва таклиф қилишни режалаштириш, асосий йўналишларимиз шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Юқорида кўрсатилган прокуратура органлари фаолиятининг

самарадорлиги, тезкорлиги ва шаффофлигини ошириш, назорат функцияларини амалга ошириш усулларини такомиллаштириш, қонун ҳужжатлари ижроси устидан таъсирчан назоратни кучайтириш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида фаолият изчил рақамли трансформация қилинмоқда.

Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиб, жумладан, Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси иштироки билан прокуратура органлари ахборот инфратузилмаси яратилиб, асосий фаолият йўналишларини автоматлаштириш.

Хусусан, Бош прокуратурада замонавий Маълумотларни қайта ишлаш маркази барпо этилди. Маълумотларни қайта ишлаш марказида сервер ва тармоқ ускуналари жойлаштирилган.

Ягона Маълумотларни қайта ишлаш марказида маълумотларни сақлашни ташкил этишнинг афзалликлари:

бутун ахборот инфратузилмасининг ишончлилигини ошириш (маълумотларни сақлаш ишончлилиги, ускуналар ва дастурий таъминотнинг носозликларга чидамлилиги);

маълумотларни сақлаш учун меҳнат харажатларини тежаш;

ахборот тизимларига уланишни соддалаштириш;

ахборот инфратузилмасини марказлашган ҳолда бошқаришни таъминлаш;

молиявий харажатларни камайтириш.

Маълумотларни қайта ишлаш маркази ҳисоблаш қувватини марказлаштирилган тарзда тақсимлаш ва бошқариш, ускуналарнинг захиралашни ташкил этиш имконини беради.

Республика, вилоят ва туман даражадаги прокуратура органларида локал ҳисоблаш тармоқлари яратилди. Уларни ўзаро боғлаш учун оптик

линиялари ўтказилиб, корпоратив тармоқ ишга туширилди. Бу прокуратура органларининг барча ходимларига ахборот тизимлари ва ресурсларидан фойдаланишга имкон берди.

Ходимларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида IP-телефония ва аудио-конференцалоқа тизимлари яратилиб, республика миқёсида жорий этилди.

Бундан ташқари, Бош прокуратура, вилоят прокуратуралари, Транспорт ва Ҳарбий прокуратуралар ўртасида видео-конференцалоқа тизими жорий этилди. Натижада йиғилишлар ўтказилиши билан боғлиқ вақт ва транспорт харажатлари сезиларли даражада тежалмоқда.

Шунингдек, прокуратура органлари замонавий компьютер ва офис техникаси билан жиҳозланиб келинмоқда.

Бугунги кунда юритилаётган фаолиятни таҳлил қилганда, 2022 йил 5 ой давомида қуйидаги йўналишлардаги ишлар амалга оширилди.

1. Прокуратура органларида ахборот тизимларини жорий этиш соҳасида

1. “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизими такомиллаштирилди;

Бу бўйича, 2022 йил 1 июнь ҳолатига кўра ахборот тизимда 3 788 та (прокуратура), 1 060 та (департамент) ва 3 899 та (МИБ) фойдаланувчи мавжуд. 2022 йилнинг январь-май ойларида ахборот тизимида жами 2 374 889 та ҳужжат ҳаракатлантирилган, прокуратура органлари ўртасида 586 827 та ҳужжат узатилган. Бунда, ҳисоб-китобларга кўра, 2022 йилнинг 5 ойида тежалган қоғоз нархи 1 353 686 730 сўмни, тежалган конвертлар нархи 469 461 600 сўмни, тежалган почта хизматлари нархи 1 114 971 300 сўмни ташкил этди.

Ахборот тизимини кузатув, шу жумладан фойдаланувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ишлар доимий равишда олиб борилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 октябрдаги 660-сон қарори ҳамда Бош прокурорнинг 2021 йил 28 октябрдаги 1577-

сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида пенсияни ҳисоблаш ва тўланишини электрон тарзда амалга ошириш имконини берувчи дастурий таъминот ишлаб чиқилиб, жорий этилди.

3. Прокурор назорати доирасида ўтказилган текширишлар ва қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларини электрон шаклда юритиш имкониятини берувчи «Прокурор назорати» ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-105-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишлар бажарилди.

Ягона ахборот тизимининг синов версияси ишлаб чиқилиб, Бош прокуратуранинг серверига юкланди.

Тизимнинг синов версияси прокуратура органларида синовдан ўтказилмоқда. Синов даврида келиб тушган таклифлар ва фикр- мулоҳазаларга асосан дастурга зарурий ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилади.

Прокуратура органлари ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш мақсадида жорий йил 14 май куни дастурдан фойдаланиш бўйича видеоконференцалоқа орқали ўқув машғулоти ўтказилди.

Бундан ташқари, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича 20 та технологик йўриқномалар белгиланган тартибда имзоланди.

2022 йилнинг 30 май ҳолатига ахборот тизими 16 та вазирлик ва идораларнинг 22 та ахборот тизимлари билан тўлиқ интеграция қилинди.

II. Идоралараро электрон ҳамкорликни таъминлаш этиши соҳасида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.12.2021 йилдаги ПҚ-43-сон қарори ижроси ижросини таъминлаш мақсадида "Бюджет назорати" электрон дастурини Қурилиш вазирлигининг "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими ва Молия вазирлигининг «Давлат молиясини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими» дастури билан ўзаро интеграция қилиш бўйича технологик йўриқномалар имзоланиб, интеграция қилиш ишлари бажарилди.

III. Маълумотларни қайта ишлаш маркази ва ҳимояланган корпоратив тармоқ фаолиятини таъминлаш соҳасидаги йўналишлар;

1. Бош прокуратура ва вилоят прокуратураларига тегишли серверлар ва тармоқ қурилмаларини созлаш ва таъмирлаш бўйича ишлар доимий равишда бажарилиб келинмоқда.

2. Корпоратив ҳисоблаш тармоғи фойдаланувчиларнинг логин-пароллари тизими (Active Directory) бошқарилиб келмоқда.

IV. Корпоратив видео-конференцалоқа тизими ишлашини таъминлаш соҳасидаги йўналишлар;

1. Мавжуд видео-конференцалоқа тизими ёрдамида 2022 йилнинг 5 оyi давомида жами 70 та йиғилиш ўтказилиши таъминланди.

V. Корпоратив IP-телефония тизими ишлашини таъминлаш соҳасидаги йўналишлар;

Аудио-конференцалоқа тизими ёрдамида республика миқёсида 2022 йилнинг 5 оyi давомида жами 30 та йиғилиш ўтказилиши таъминланди.

Прокуратура органлари ходимлари телефон рақамлари тизими бошқарилиб келмоқда.

VI. Эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналишлар;

Доимий равишда ахборот инфратузилманинг хавфсизлиги ва узлуксиз фаолияти таъминланмоқда, шунингдек хизмат компьютерлари ва принтерларга хизмат кўрсатиш ва дастурий таъминотларни ўрнатиш ишлари ўз вақтида амалга оширилмоқда.

Бош прокуратурада 2022 йил 5 оyi давомида 620 дона картриж тонер билан тўлдирилди ва 80 картриж таъмирланди.

VII. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги йўналишлар;

1. Прокуратура органларидаги хизмат компьютерлари антивирус ҳимоясини таъминлаш мақсадида “ESET Endpoint” антивирус дастурининг лицензияси янгиланди (харид қилинди) ҳамда хизмат компьютерларида янги версияси ўрнатилди.

2. Бош прокурор ўринбосари томонидан имзоланган 05.06.2022 йилдаги

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси инфратузилмасида ахборот ва киберхавфсизлик таъминланганлик ҳолатини янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар ижроси доирасида прокуратура органлари ходимлари учун 2022 йил 13 май куни киберхавфсизлик бўйича ўқув машғулоти ўтказилди.

“Киберхавфсизлик маркази” ДУК билан шартнома имзоланиб, Бош прокуратуранинг расмий веб-сайти экспертизадан ўтказилмоқда.

Маълумотларни қайта ишлаш марказининг сервер хонасида ўт ўчирувчи мослама ва қўшимча видео-камера ўрнатилди.

VIII. Электрон рақамли имзони жорий этиш соҳасидаги йўналиш;

Е-ХАТ электрон почта тизими ва Бош прокуратуранинг “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизими фойдаланувчилари учун электрон рақамли имзо (ЭРИ) калитлари билан таъминлаш мақсадида жами 800 та ЭРИ калитлари амал қилиш муддати узайтирилди ва 450 та ЭРИ калитлари генерация қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, иш кўришнинг ошкоралигидан фарқли ўлароқ, прокуратура органлари фаолиятининг очиқлиги, биринчи навбатда, прокуратура фаолияти тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишни таъминлайди, Интернет сайтлари орқали прокуратура фаолиятига доир маълумотларнинг тарқатилиши эса прокуратура тизимининг ахборот маконини яратиш ва судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш имконини яратади³⁸.

Шундай қилиб, **прокуратура органлари фаолияти очиқлиги** прокуратура фаолияти тўғрисида маълумотлар олиш ва уни эълон қилиш; прокуратура тизимининг ахборот маконини яратиш ва прокуратура фаолияти ҳақида ахборот олиш ва уларга эга бўлиш воситаси ҳисобланади.

Юқорида келтирилган очиқлик, шаффофлик, транспарентлик, прокуратура фаолияти ошкоралиги каби тушунчаларининг ўзаро нисбати ва

³⁸Подняков М.Л. Практическая реализация принципа открытости правосудия в Российской Федерации. СПб.: Институт проблем правоприменения при Европейском университете в Санкт-Петербурге, 2013. С.2.

ўхшаш жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, ушбу атамалардан фойдаланишда қулайлик яратиш учун улардан баъзиларини муомалада қолдириш ва минимал даражагача қисқартириш лозим. Хусусан, чалғимаслик, ҳар бир атамани ўз жойида ишлатиш, фойдаланишда қулайлик яратиш ҳамда атамаларнинг моҳиятан тўғри қўллаш мақсадида ошкоралик атамасини прокуратура фаолиятига нисбатан, очиқлик атамасини эса суд ҳокимиятининг фаолиятига нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

1.2. Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг босқичлари ҳамда назарий ва ҳуқуқий асослари

Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг босқичлари ҳамда назарий ва ҳуқуқий асосларига тўхталиб ўтарканмиз, яна бир долзарб вазифа бу – жамият ва давлатни ахборот коммуникациялари ёрдамида яқинлаштиришдан иборат³⁹.

Электрон ҳужжат айланиши – бу асосий фаолият жараёнининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш учун тизитмлаштирилган маълумотларни электрон шаклда яратиш, қайта ишлаш, ташкил қилиш, кўчириш ва тақдим этиш бўйича ёрдамчи тизим⁴⁰.

С.В.Шмелеванинг фикрига кўра, “... ахборотни яратиш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчига тақдим этишнинг самарали усулларини таъминлашга имкон берадиган замонавий ахборот технологиялари жамият ҳаётининг муҳим омили ва жамоат фаолиятининг барча соҳаларини бошқариш самарадорлигини ошириш воситасидир”⁴¹.

³⁹ Адилходжаева С, Садиқов С. “Электрон ҳуқумат” тизими ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланишига доир // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society. – 2016. №1 (61). – Б.35.

⁴⁰ Капустин Ю.И., Егоров А.Ф., Савицкая Т.В., Дударов С.П., Горанский А.В. Автоматизация процессов самообследования и аттестации учебных заведений высшего образования / Вестник ТГТУ. 2004. Том 10. № 2. Transactions TSTU // <https://cyberleninka.ru/article/n/avtomatizatsiya-protsessov-samoobsledovaniya-i-attestatsii-uchebnyh-zavedeniy-vysshego-obrazovaniya/viewer>

⁴¹ Шмелева С.В. О специфике преподавания дисциплины «информационные технологии в юридической деятельности». Новые информационные технологии в образовании: материалы VI междунар. науч.- практ. конф., Екатеринбург, 12–15 марта 2013 г. // ФГАОУ ВПО «Рос. гос. проф.-пед. ун-т». Екатеринбург, 2013. – С. 144. <https://core.ac.uk/download/pdf/42065591.pdf>

Юқоридаги фикрлар таҳлили шуни кўрсатадики, ахборот коммуникация технологияларини олий таълим муассасалари фаолиятига кенг жорий қилиш орқали ҳужжатлар билан ишлаш, жумладан, статистик ҳисоботларни юритиш, бухгалтерия ҳисоб-китобларини амалга ошириш, ҳужжатларни қабул қилиш ва жўнатиш, ўқув ва бошқа йўналишлар бўйича электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйиш, маълумот ва материаллар билан ишлашни тўлиқ автоматлаштириш таълим сифатини назорат қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хатолар эҳтимолини камайтиришни таъминлайди.

Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш жараёнида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан электрон ҳужжат алмашинувини кенг йўлга қўйиш барча соҳаларда қонунийликни таъминлаш, сифат ва самарадорликка эришиш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2833-сон қарорида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро маълумотлар базалари тизимларини профилактик ишларга кенг жорий этиш белгиланган⁴².

Э.Б.Хатовнинг фикрича, “Агар прокуратура фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ахборот-таҳлил ишларини доимий равишда маълумот олиш ва улардан фойдаланиш (йиғиш, ҳисобга олиш, тўплаш,

⁴² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 12-сон, 184-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2017 й., 06/17/5204/0114-сон, 01.12.2017 й., 06/17/5269/0340-сон, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон, 02.11.2018 й., 06/18/5566/2153-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон

алмаштириш) жараёни ва уни ақлий ва мантиқий қайта ишлаш (аниқлаштириш, умумлаштириш, баҳолаш, хулосалар ва таклифлар) жараёни деб ҳисобласак, иккита асосий блок – ахборотни қўллаб-қувватлаш ва таҳлилий қўллаб-қувватлашга ажратиш мумкин”⁴³.

Д.В.Гурулевнинг қайд этишича, “Прокуратура органлари томонидан прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларини амалга оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш қарорларни қабул қилиш жараёнини ахборот билан таъминлаш муаммоларини биров камайтирди, аммо уларни тўлиқ ҳал қилмади.

Прокуратура органлари томонидан прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларини амалга оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича ташкилий-маъмурий ҳужжатларни таҳлил қилиш бухгалтерия ҳужжатларидан, маълумот тўплаш, рўйхатдан ўтказиш, қайта ишлаш ва сақлаш тизимидан фойдаланишда бир хиллик йўқлигини кўрсатади”⁴⁴.

В.М.Пашин, В.В.Павлюковнинг таъкидлашича, “...прокурор тайёргарлик босқичида жуда кенг қўламли ишларни амалга ошириши керак, яъни текширувларни ўтказиши, мавжуд бўлган дастлабки маълумотларга, шу жумладан текширув предметиға оид статистика: текширилаётган орган хизмат кўрсатадиган ҳудуддаги жинойтчилик, унинг ҳолати, моҳияти ва динамикаси; текширувдан олдинги даврда текширилаётган йўналишни ўрганиш юзасидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда қонунийликка риоя қилиш; олдинги текширишлар натижалари; бошқа зарур маълумотларга аниқлик киритиши лозим”⁴⁵.

⁴³ Хатов З.Б. Вопросы информационного обеспечения прокурорского надзора за исполнением законов о противодействии коррупции // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения № 4, – 2016. – С. 35. <https://cyberleninka.ru/article/n/voprosy-informatsionnogo-obespecheniya-prokurorskogo-nadzora-za-ispolneniem-zakonov-o-protivodeystvii-korrupsii/viewer>

⁴⁴ Гурулев Д.В. Правовые и организационные основы использования прокурорами информационных технологий при осуществлении основных видов деятельности прокуратуры // Вестник ТГУ, выпуск 8 (124), 2013. <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovye-i-organizatsionnye-osnovy-ispolzovaniya-prokurorami-informatsionnyh-tehnologiy-pri-osuschestvlenii-osnovnyh-vidov/viewer>

⁴⁵ Пашин В.М. , Павлюков В.В. Использование информационных систем при осуществлении прокурорского надзора в сфере оперативно-розыскной деятельности. Юридические науки, Вестник КГУ № 3, 2019.

В.В.Стрельниковнинг фикрига кўра, “Аmmo, афсуски, тан олишимиз керакки, кўриб чиқиладиган тизимда маълумотларни қайта ишлаш ва қўллашнинг юқори тезлигини ривожлантиришга имкон берадиган аниқ қонунчилик асослари мавжуд эмаслиги сабабли, маҳаллий прокуратура ҳозирда кенг тарқалган ахборотлаштиришдан орқада қолди. Прокуратура органларининг кундалик фаолиятига инновацион технологияларни киритиш бўйича босқичма-босқич стратегиянинг ишлаб чиқилмаганлиги якуний натижага – мамлакатда қонун устуворлигини максимал даражада таъминлашга салбий таъсир қилади”⁴⁶.

Фикримизча, корхона, ташкилот, муассасалар (шу жумладан олий таълим муассасалари) билан прокуратуранинг электрон ҳужжат алмашинувини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳамда қонунчиликка риоя этилиши устидан электрон шаклда онлайн (масофавий) прокурор назоратини Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида белгилаш прокуратура фаолиятида муҳим амалий аҳамият касб этади.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 21-моддасига қуйидагича баён қилиш билан ўзгартиш киритишни таклиф қиламиз:

“Қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузиладиганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

Қонунлар ижросини текшириш электрон шаклда онлайн (масофавий) ўтказилиши ҳам мумкин”.

<https://cyberleninka.ru/article/n/ispolzovanie-informatsionnyh-sistem-pri-osuschestvlenii-prokurorskogo-nadzora-v-sfere-operativno-rozysknoy-deyatelnosti/viewer>

⁴⁶ Стрельников В.В. Понятие, основное содержание и проблемы информационного обеспечения в органах прокуратуры российской федерации // Евразийская адвокатура, 1 (1), 2012 года. <https://readera.org/ponjatие-osnovnoe-soderzhanie-i-problemy-informacionnogo-obespechenija-v-organah-14042317>

Дунё мамлакатларида ҳар бир соҳани рақамлаштириш устувор вазифа сифатида қаралаётган бир пайтда республикамизда прокуратуранинг қонунчилик ижроси устидан назорат фаолиятида ҳам рақамлаштириш, электрон шаклда онлайн (масофавий) ишни ташкил этиш орқали прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида ҳужжатлар айланиши учун кетадиган вақт қисқартирилади, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигига салбий таъсирнинг олди олинади, қонунчиликка риоя этиш ҳолати онлайн (масофавий) ўрганилади, қонунбузилиш ҳолатларига онлайн (масофавий) муносабат билдириш имконияти яратилади ҳамда прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ахборот тизими жорий этилишига эришилади.

Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ягона ахборот тизимини яратиш ҳар бир соҳанинг, шу жумладан олий таълим соҳасининг қонунчилик ижросига оид маълумотларини электрон шаклда йиғиш, сақлаш, ўрганиш ва таҳлил қилиш имконини беради.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Телекоммуникация тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 8-моддасининг иккинчи қисмида ҳам давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотажорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини

таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбур эканликлари белгилаб қўйилган⁴⁷.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонунида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари билан, шунингдек ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбурдир. Ахборот олиш имконияти қонунчилик ҳужжатларини ва тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланиши ҳақидаги нормалар мустаҳкамлаб қўйилган (7-модда)⁴⁸.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш, ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлаш, давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш, давлат органлари фаолияти билан боғлиқ ахборотни тарқатиш тартибини белгилаш асосий вазифалар сифатида кўрсатилди⁴⁹.

⁴⁷ Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 108-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 1997 й., 4-5-сон, 108-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти-нинг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.08.2019 й., 03/19/559/3670-сон

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашга доир кўплаб **қонуности ҳужжатлари**, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари қабул қилинди.

Бизга маълумки, “мамлакатимизда маъмурий тартиботлардан ўтишни соддалаштириш, аҳоли турмуши сифатини ошириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган электрон ҳукуматни, шу жумладан, давлат хизматларини кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида изчил чоралар”ни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁵⁰ги ПФ-5598-сонли Фармонида урғу бериш лозим. Фармонда “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш рақамли иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланиши белгиланди.

Мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “...рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради”.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5598-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2018 й., 06/18/5598/2313-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.07.2021 й., 06/21/6268/0700-сон

тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон Фармони бу борада ўзига хос дастуриламал бўлди.

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида фуқароларнинг Интернет тармоғидаги мурожаатлари асосида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш, сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобиль иловадан фойдаланиш имконини берувчи “Электрон парламент” тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁵¹ги ПФ–6079-сонли Фармони бу борада ўзига хос қадам бўлди. Унга кўра мамлакатимизда соҳадаги давлат бошқаруви эгаси – Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар, бизнес ҳамжамияти ва илмий доиралар вакиллари ҳамда хорижий экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси маъқулланди.

Маълумки, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси Стратегия иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан, электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Стратегия Ўзбекистон Республикасининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболли вазифаларини белгилайди, шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида белгиланган

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6079-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.10.2020 й., 06/20/6079/1349-сон; 02.04.2021 й., 06/21/6198/0269-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.07.2021 й., 06/21/6261/0667-сон, 12.08.2021 й., 06/21/6277/0788-сон, 26.08.2021 й., 07/21/5234/0826-сон, 26.08.2021 й., 07/21/5234/0826-сон, 30.11.2021 й., 06/21/26/1111-сон, 29.01.2022 й., 06/22/61/0084-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 11.05.2022 й., 06/22/134/0407-сон

устувор вазифалардан келиб чиқиб, рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Стратегияда рақамли ривожланишнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Хусусан, электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида кўрсатилаётган автоматлаштирилган хизматлар улушини 2022 йилга қадар 60 фоизга етказиш назарда тутилди.

Стратегияда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари алоҳида диққат марказидадир. Хусусан, бу борада ишчи жойларни босқичма-босқич автоматлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини роботлаштириш, шунингдек, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш; савдо ҳажмини ошириш ва мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида буюртмачилар (мижозлар) билан ўзаро муносабат механизмларини; бошқарув маълумотларини қабул қилишни кўллаб-қувватлаш тизимини, жумладан, реал вақт режимида бизнес-таҳлил тизимини жорий қилиш орқали такомиллаштириш вазифалари белгиланди.

Рақамли технологиялар миллий бозори учун қулай муҳитни яратиш ва истиқболли “рақамли” стартапларни ривожлантириш мақсадида, хусусан, интеллектуал мулкни рўйхатдан ўтказиш, устав капиталида интеллектуал мулкни кўрсатиш имкониятини яратиш билан боғлиқ тартиботлар соддалаштирилмоқда, аҳоли ўртасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси аллақачон амалга оширилмоқда.

Стратегия доирасида 2020 – 2022 йилларда ҳудудларни рақамли трансформация қилиш дастури доирасида ҳудуддаги соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим, умумтаълим мактабларини юқори тезликдаги маълумотларни узатиш тармоғига улаш, ўқувчиларнинг ўзлаштиришини ҳисобга олиш, ўқитувчилар фаолиятига оид статистика ва ҳисоботларни шакллантиришни назарда тутувчи “Электрон кундалик” ягона тизимини жорий этиш, “Болалар боғчаси” намунавий ахборот тизими, “Электрон

кундалик” ягона тизими, “Ягона электрон тиббий карта” ахборот тизими, “Электрон рецепт” ахборот тизими, “Шаффоф қурилиш” комплекс ахборот тизими, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими жорий этилмоқда. Умуман, рақали иқтисодиёт бутун мамлақтимиз ҳудудини, тармоқларни қамраб олмоқда.

Стратегияда белгиланган вазифаларни амалга оширишдан кутилаётган натижаларда барча ижтимоий объектларни Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан таъминлаш; шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги рақамли тафовутни камайтириш; электрон ҳукуматни ривожлантириш халқаро рейтингда энг ривожланган мамлакатлар қаторига кириш; дастурий маҳсулотларнинг экспорт ҳажмини кенгайтириш марралари олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон⁵²ли қарорига ва 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁵³ги ПФ–6041-сонли Фармонига кўра, республикада жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири жиноят ишини юритиш тартибини босқичма-босқич рақамлаштириш ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 октябрдаги “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва

⁵² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон⁵²ли қарорига ва 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6041-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 06/20/6041/1151-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.11.2021 й., 06/21/26/1111-сон

жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁵⁴ги ПФ–5566-сонли Фармони ижроси бўйича бошқарма томонидан “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизими (stat.prokuratura.uz) ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Ягона ахборот тизими Олий суд, прокуратура, ДХХ, ИИБ, ДБК, Департамент ва МИБ органларида жорий этилди.

Ушбу ахборот тизими статистик карточкаларнинг электрон шакллари тузиш орқали жиноят ишлари, терговга қадар текширув материаллари, суд муҳокамалари ҳамда суд қарорлари ижроси натижалари, шунингдек айбланувчи ва жабрланувчи тариқасида жалб этилган иштирокчилар бўйича маълумотларнинг ягона ҳисобини юритишга, жиноятлар ҳисобини юритишнинг шаффофлигини таъминлашга ва жиноий-ҳуқуқий статистикани шакллантиришда инсон омилини истисно этишга хизмат қилмоқда. Жиноят ишлари ҳамда терговга қадар текширув материалларига тартиб рақамлари ягона ахборот тизимига тегишли статистик маълумотлар киритилгандагина берилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”⁵⁵ги ПФ–6196-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” Ягона ахборот тизими ҳамда 2019-2021 йилларда тўпланган ҳуқуқий статистик маълумотлар архиви Ички ишлар вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 октябрдаги “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5566-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.11.2018 й., 06/18/5566/2153-сон; 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон; 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6196-сонли Фармон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон

“Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁵⁶ги ПҚ–4551-сонли Қарори ижросини таъминлаш доирасида қўлланилган процессуал мажбурлов чоралари рўйхатини юритиб бориш мақсадида “Электрон жиной-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимида ҳуқуқни чеклайдиган процессуал мажбурлов чораларининг ягона электрон ҳисобини юритиш бўйича “Мажбурлов” дастури яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁵⁷ги ПФ–6041-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 1 январдан терговга қадар текшириш материаллари ҳисобини юритиш бўйича “E-material” ахборот тизими яратилиб, тегишли давлат органлари уланиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁵⁸ги ПҚ–43-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бош прокуратуранинг “Бюджет назорати” электрон дастурини Молия вазирлигининг “Давлат молиясини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими” ва Қурилиш вазирлигининг “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими билан интеграция қилинди.

⁵⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁵⁶ги ПҚ–4551-сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 07/19/4551/4162-сон.

⁵⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.08.2020 йилдаги ПФ-6041-сон “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 06/20/6041/1151-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.11.2021 й., 06/21/26/1111-сон

⁵⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–43-сонли Қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.12.2021 й., 07/21/43/1154-сон, 22.02.2022 й., 07/22/139/0159-сон

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”⁵⁹ги ПҚ-105-сон Қарорида “Электрон суриштирув ва дастлабки тергов” ягона ахборот тизими яратилиши белгиланган. Мазкур қарор билан давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари биланинтеграция қилиш бўйича тегишли “йўл харитаси” тасдиқланган. Бугунги кунда ахборот тизимини бошқа ахборот тизимлари билан интеграция қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, 2019 йилда Ўзбекистон Ҳукуматининг таклифига биноан Ўзбекистонга ташриф буюрган судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига тақдим этган ва 2019 йилнинг 13 июль куни эълон қилинган маърузасида Президент Ш.М.Мирзиёевнинг инаугурация-сидан бери мамлакатда амалга оширилган баъзи чора-тадбирлар суд мустақиллигини мустаҳкамлаш ва адвокатлар томонидан профессионал фаолиятни эркин амалга оширишни ўз ичига олганлигини, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ичида Олий суд веб-сайтида суд қарорларининг мунтазам равишда эълон қилиниши ва ошкораликни ошириш ва одил судловга эришиш учун электрон процедураларни босқичма-босқич жорий этилганлигини алоҳида таъкидлаган⁶⁰.

Бироқ шундай бўлса-да, Диего Гарсия-Саян ўз маърузасида яқинда таъмирланган бинолар ногиронлар учун тўлиқ имкониятга эга эмаслигини, суд биноларининг аксарияти, айниқса асосий шаҳарлар ташқарисида, ногиронлар учун умуман очиқ эмаслигини, суд иш юритуви ҳаммабўлиги масалаларида сурдо-таржимонлар сонини етишмаслигини, сенсор, интеллектуал ёки

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-105-сон Қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 07/22/105/0079-сон; 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон

⁶⁰ “Ўзбекистон суд тизимини ҳозирча мустақил дея олмаймиз” // БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян маърузаси. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/07/17/review/>; <https://undocs.org/tu>

психосоциал бузилишлари бўлган шахслар учун мақбул кўринишдаги ҳужжатларнинг йўқлиги, шунингдек ногиронлиги бўлганларнинг адвокат, суд ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари сифатида суд юритуви фаолиятида бевосита ёки билвосита иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш бўйича сиёсатнинг мавжуд эмаслигини хавотир билан ифода этиб ўтган.⁶¹

Шунингдек, БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян барча ҳолатларда суд қарорлари асосли ва ошқора эълон қилиниши кераклигини, юқори суд томонидан кўриб чиқилишидан ёки қонунда белгиланган алоҳида ҳолатларда иш юритиш қайта тикланишидан ташқари суд қарорлари қайта кўриб чиқилиши мумкин эмаслигини тақлиф сифатида илгари сурди⁶².

Таъкидлаш жоизки, БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян маърузасидаги тавсияларни амалга ошириш мақсадида, қолаверса, мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлда “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармони қабул қилинди⁶³.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнда “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармони⁶⁴ қабул қилинган.

⁶¹ “Ўзбекистон суд тизимини ҳозирча мустақил дея олмаймиз” // БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян маърузаси. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/07/17/review/>; <https://undocs.org/ru>

⁶² Совет по правам человека. Сорок четвертая сессия 15 июня – 3 июля 2020 года. Пункт 3 повестки дня Поощрение и защита всех прав человека, гражданских, политических, экономических, социальных и культурных прав, включая право на развитие // Посещение Узбекистана. Доклад Специального докладчика по вопросу о независимости судей и адвокатов // <https://undocs.org/ru>

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлда “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 06/20/6034/1103-сон.

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнда “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020 й., 06/20/6012/0953-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида эса матбуот хизматлари ташкил этилиши белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий суд билан биргаликда икки ой муддатда судларнинг фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада кенгайтириш дастури бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиши белгиланди.⁶⁵

Шунингдек, суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинувини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.⁶⁶

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг очиқлигини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш, шунингдек БМТ Махсус маърузачининг тавсияларини амалга ошириш, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистондаги суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашга оид мавжуд қонун ҳужжатларини ягона қонунга бирлаштириш орқали Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хусусан, А.С.Агеев ўз тадқиқот ишида Россия Федерациясининг “Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлда “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 06/20/6034/1103-сон.

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // <http://uza.uz/oz/documents/sud-okmiyati-organlari-faoliyatini-ra-amlashtirish-chora-ta-04-09-2020>

ҳақидаги маълумотларга киришни таъминлаш тўғрисида”ги Федерал қонуни ва “Россия Федерациясида судлар фаолияти тўғрисида-ги маълумотларга киришни таъминлаш тўғрисида”ги Федерал қонунини маълумотларга киришни таъминлашнинг умумий қоидаларини белгилаб берадиган ягона Федерал қонунга бирлаштириш таклифини илгари сурган.⁶⁷

Ўзбекистон Республикасининг таклиф этилаётган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Қонунда умумий қоидалар, судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш талаблари ва судлар фаолияти ҳақида ахборот тақдим этиш, судларнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги, судлар фаолияти ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, судлар фаолияти ҳақида ахборотни таъминлаш устидан назорат ҳамда якуний қоидалар назарда тутилиши керак (қонун лойиҳаси диссертацияга илова қилинади).

Ахборотдан фойдаланувчиларнинг рўйхатини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунига *ахборот олиш ҳуқуқига ҳар қандай шахс, шу жумладан чет эл фуқароси ҳам эга бўлиши* каби нормани киритиш таклиф қилинади. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш устидан назоратни кучайтириш мақсадида ушбу Қонунга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш устидан назорат қилиш масалаларини тартибга солувчи нормаларни киритиш лозим.

1.3. Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишга доир халқаро стандартлар

Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш фаолиятида очиқлик ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқининг

⁶⁷ Агеев А.С. Право на доступ к информации, находящейся в распоряжении государственных органов (особенности конституционно-правового регулирования в России и в Германии) // Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -Москва, 2016. – 10 с.

таъминланиши муҳим роль ўйнайди. Бу каби талаб нафақат одил судлов соҳасида, балким прокуратура соҳасидаги халқаро тавсияларда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан биргина судлар фаолиятини олиб кўрадиган бўлсак, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг 2006 йил 27 июлдаги 2006/23-сонли “Судьяларни юриш-туришининг асосий принципларини мустаҳкамлаш Резолюцияси” билан тасдиқланган Судьялар ахлоқининг Бангалор принципларининг 3.2.-бандида таъкидланишича, “судьянинг хатти-ҳаракати ва хулқ-атвори жамоатчиликнинг суд органларининг ҳалол ва сотилмаслигига бўлган ишончини оширишга хизмат қилиши шарт. Одил судловни амалга ошириш етарли эмас, буни жамият учун очик амалга ошириш керак”⁶⁸.

1995 йилда Европа Иттифоқи Вазирлар Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган Одил судловнинг ошкоралиги, ахборот шаффофлиги принциплари ва уларни судлар фаолиятига татбиқ қилиш бўйича Тавсиясида “ҳуқуқий ахборот олиш бўйича қидирув тизимида суд қарорларини танлаш, қайта ишлаш, тақдим этиш ва архивлашнинг мавжуд бўлиши демократик давлатларда суд ҳокимиятининг қонунийлигини белгилаб берадиган муҳим фактор”⁶⁹ сифатида эътироф этилган.

1965 йилда АҚШда⁷⁰ ахборот технологиялари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ва 1973 йилда Швецияда компьютерни суиистеъмол қилганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги дастлабки қонунлар ҳамда 1994 йилда БМТ томонидан компьютерлардан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш бўйича йўриқнома қабул қилинди⁷¹. Уларда жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш учун принципиал аҳамиятга эга бўлган қўшлаб ҳуқуқий ва техникавий терминларга таърифлар берилган.

⁶⁸ https://www.unodc.org/documents/ji/training/19-03889_R_ebook.pdf

⁶⁹ Европа Иттифоқи Вазирлар Кенгашининг 1995 йил 11 сентябрдаги “Қарорларни танлаш, қайта ишлаш, тақдим этиш ва ҳуқуқий ахборот излаш тизимларида архивлаштириш бўйича Р (95) Тавсияси” // Российская юстиция. 1997. № 11. - Б. 2-3.

⁷⁰ А.К. Расулев «Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш» Дис.док. 2018. Тошкент., us.org

⁷¹ un.org.

АҚШда Миллий стандартлар бюроси томонидан компьютер тармоқларига қўйиладиган хавфсизликнинг базавий талаблари ишлаб чиқилган бўлиб, улар (стандартлар) қуйидагилардан иборат:

1) рухсат этилган ҳолда тармоққа кирилишини таъминлаш мақсадида тармоқ берадиган кафолат сифатидаги яроқлилиқ стандарти;

2) маълум вазифаларни бажариш учун рухсатномаси бор фойдаланувчиларнинггина тармоққа киришларини таъминлаши тармоқ функцияси сифатидаги назорат қилинувчи фойдаланиш стандарти;

3) маълумотларни рухсат этилмаган ўзгаришлар ва йўқ қилишлардан ҳимоя қилишда намоён бўладиган дахлсизлик стандарти;

4) маълумотларнинг рухсат этилмаган очилишлардан ҳимояланишини назарда тутувчи махфийлик стандарти;

5) фойдаланувчининг идентификацияси, узатиладиган маълумотнинг сифати, ахборотларни узатиш вақти ёки давомийлиги таъминланишининг кафолати сифатидаги маълумотларни узатиш хавфсизлиги стандарти.

Мазкур стандартлар асосида қуйидаги мезонларга жавоб берувчи тегишли техник назорат механизмлари ишлаб чиқилган:

а) яхлитлик мезони – механизмнинг керакли режимда ишлашини кафолатловчи базавий ишончлилиқ;

б) текшириш мумкинлиги мезони – компьютер техникаси воситаларига тажовуз қилишга уринишлар ва тизим хавфсизлиги масалаларига доир бошқа ҳодисаларни очиш ва текшириш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган ахборотларни ёзиш қобилияти. Ушбу чораларнинг амалга оширилиши натижасида қуйидаги имкониятлар юзага келади:

1) компьютер техникаси воситаларидан жисмонан фойдаланишни назорат қилиш;

2) компьютер техникаси воситалари аппаратларининг электромагнит нурланишини назорат қилиш;

3) компьютер техникаси воситаларига таҳдидлар имкониятларини кузатиш ва ҳар бир ана шундай уринишларни (мониторинг усули билан) қайд этиш.

Юқорида келтирилган хорижий мамлакатлар тажрибаси ахборотларни ҳимоя қилишнинг асосий мақсадлари ва қоидалари бир қатор базавий позицияларга қўра ахборотлаштириш ва маълумотларни узатиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг профилактик жиҳатини такомиллаштиришга имкон беради.

Бу эса қуйидаги имкониятларни яратади:

– ахборотларнинг чиқиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш;

– шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

– ахборотларни йўқ қилиш, модификациялаш, бузиш, улардан нусха кўчириш, уларни блоклашга қаратилган ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш;

– ахборот ресурслари ва тизимларига ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш;

– мулк объекти сифатидаги ҳужжатлашган ахборотлар фаолиятининг ҳуқуқий режимини таъминлаш;

– давлат сирини ва ҳужжатлашган ахборотларнинг махфийлигини сақлаб қолиш;

– субъектларнинг ахборот жараёнлари, тизимлари, технологиялари ва уларни таъминлаш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш ва қўллашдаги ҳуқуқларини таъминлаш.

Бундан ташқари, энг ривожланган Legal tech бозори АҚШда ҳисобланади. Энг тез ўсиб бораётган юридик хизмат кўрсатувчи компаниялардан бири бу 2008 йилда ташкил этилган Rocket Lawyer бўлиб, 20 миллиондан ортиқ корхона ва истеъмолчилар компания хизматларидан фойдаланади.

Rocket Lawyer компанияси жисмоний ва юридик шахсларга онлайн хизматларни тақдим этади. Масалан, ҳуқуқшунослар турли хил шартномалар (ижара шартномаси, никоҳ шартнома ва ҳоказо) тузиш бўйича онлайн ҳуқуқий маслаҳатлар ўтказди. Rocket Lawyerда адвокатлар навбатчилиги бор ва улар миждозларнинг саволларига дарҳол жавоб бериши жараёни шакллантирилган. Хизматдан ҳуқуқий масалаларни яхши билмайдиган фуқаролар учун ҳам фойдаланиш жуда осон, фуқаро сайтга керакли маълумотларни қўшиб, тайёр ҳужжатларни қабул қилиб олади.

АҚШ билан бир қаторда Хитой Legal tech соҳасида етакчи ҳисобланади. Хитой ИТ соҳаси билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги боис бу ерда Legal tech давлат ва унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциялари билан кўпроқ боғлиқдир. 2017 йил август ойида Хитойнинг Олий халқ суди Ханчжоуда биринчи интернет судини ташкил этди. 2018 йилда эса Пекин ва Гуанчжоуда интернет судлари ташкил этилди. Пекин интернет судининг вазифалари — бу ишларни онлайн режимда расмийлаштириш, ишлар тўғрисида маълумот сўраш, электрон далилларни топшириш ва бошқа кўплаб суд жараёнига зарур ҳужжат ва ашёларни ўз ичига олгани билан аҳамиятлидир.

Пекин интернет суди суд жараёни иштирокчиларидан юзни таниб олиш учун онлайн тизимида рўйхатдан ўтишни талаб қилади. Бундай тизимни алдаш жуда қийин бўлганлиги боис, Хитой кейинчалик ушбу амалиётдан тўлиқ фойдаланишга ўтишни мақсад қилган.

Европада Legal tech соҳасида муҳим иштирокчилардан бири – бу кўчмас мулк хизматларига ихтисослашган француз компанияси Mynotary ҳисобланади. Бу кўчмас мулк соҳасидаги шартномани тузиш жараёнининг ўзи рақамлаштирадиган биринчи платформадир. Унга кўра ҳужжат онлайн тарзда ўзгартирилиши ва тўлдирилиши мумкин. Яъни бир-бирига киритилган ўзгартиришларни бир неча бор тасдиқлаш учун юборишга ҳожат қолмайди.

Mynotary тизими дунёнинг исталган нуқтасидан электрон имзо ёрдамида тўлиқ хавфсиз платформада шартнома имзолашга имкон беради. Бунда сотувчи томонидан савдо-сотик шартномаси имзоланганидан сўнг, у

шартномани мол-мулк харидорига тугмани бир марта босиш орқали юбориши мумкин. Шундай қилиб, ушбу тизим туфайли мулкни сотиб олиш жараёни осонроқ ва тезроқ ҳал бўлади. Бундан ташқари, шартноманинг иккала томони учун ҳам сотиб олиш жараёни хавфли ва хавотирли эмас, балки ҳар қандай ўзгаришларни интернет орқали кузатиб бориш имконини беради.

Хизматлар орасида нафақат маълумотномалар, балки ҳуқуқий ҳужжатларнинг автоматик тузувчилари, интеллектуал мулкни бошқариш платформалари ҳам мавжуд.

Ҳуқуқий технологияларни ривожлантириш соҳасида меҳнати сингган Антон Протонин, ҳозирги пайтда ҳуқуқий технологиялар адвокатларнинг ўрнини боса олмаслигининг сабаби ривожланган юридик технологиялар бозорининг намуналари мавжуд эмаслиги билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Шунингдек, ишлов бериш автоматлаштирилиши ва роботга ишониб топширилиши мумкин бўлган турли соҳаларда ҳали ҳам етарли миқдорда тўпланган маълумотлар базаси мавжуд эмас.

Инновация йўлидаги табиий тўсиқлардан бири бу технологиялар одамларнинг ўрнини босиши ва кўплаб адвокатларни ишсиз қолдиришидан кўрқишдир. Тўғри, инновациянинг ҳуқуқий технологиялар соҳасига кириб келиши айрим кучли адвокат ва юристларга хуш келиши мумкин, аммо кўплаб бошқа ҳуқуқшуносларнинг эътирозига учрамоқда. Бу эса Legal tech соҳасининг ривожланишини секинлаштириб келмоқда. Пермнинг Миллий тадқиқот университети — Иқтисодиёт олий мактаби ижтимоий-гуманитар факультети талабаларига Legal tech тизимидан ҳуқуқий соҳада фойдаланиш фаол равишда ўргатилмоқда. Бу албатта, Legal tech соҳасининг ривожланишига ва унинг тарафдорлари кўпайишига хизмат қилади.

Прокуратура органлари ва божхона хизмати ўртасидаги ҳамкорлик масаласида ҳам халқаро стандартлар муҳимдир.

Жумладан, 2016 йилда Хитой Халқ Республикаси (ХХР) ваколатли иқтисодий операторларни (ВИО) рағбатлантириш дастурини ишга туширди. ВИОнинг кредитга лаёқатлилигини ҳисобга олган ҳолда давлат назоратини

Ўтказишнинг ўзига хослиги шундан иборатки, ҳуқуқбузарлик содир этган юридик шахсларнинг кредитга лаёқатлилик даражаси камаяди ва уларнинг фаолияти устидан давлат назорати мустаҳкамланади.

Дастур доирасида аккредитациядан ўтган юридик шахслар “илғор сертификатланган компаниялар” (ACE) деб эътироф этилади ва давлат органлари, шу жумладан Хитой божхона хизмати томонидан тақдим этилган 49 та соддалаштирилган жараёндан фойдаланиш ҳуқуқига эга⁷².

Жумладан, бу соддалаштиришлар олтига категорияга бўлинади: 1-категория – “Green Lane” (“яшил йўлак”) жадал лицензиялаш, рўйхатга олиш, товарларни чиқариб юбориш учун чора-тадбирларини ўз ичига олади. Ушбу категорияда ВИО учун солиқ органида ҳам қарз эмаслигини назарда тутувчи “яшил йўлак” яратилади; 2-категория – “Less Inspection” (“кам текшириш”) ВИО учун текширишлар сонини камайтириш қоидаларини ўз ичига олади; 3-категория – “Priority Treatment” (“устувор ёндашув”) интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш зарур компанияларга патент олиш, савдо белгиларини рўйхатдан ўтказиш, суд жараёнларида ҳуқуқларни ҳимоя қилиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олади; 4-категория – “Simplified Procedure” (“соддалаштирилган тартиб”) юридик шахсдан талаб қилинадиган ҳужжатлар сонини оптимал минимумгача қисқартириш чораларини ўз ичига олади; 5-категория – “Major Reference Benchmark” (“асосий назорат кўрсаткичлари”) Дастурда иштирок этувчи давлат органлари томонидан текшириш учун зарур бўлган рўйхатдан ўтган ВИОлар учун ҳисоб тизимларини юритишга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади; 6-категория – “Pilot Reform Project” (“Pilot reform project”) устувор ВИО ҳуқуқларини бериш ва улардан фойдаланишни мониторинг қилиш чораларини ўз ичига олади. ХХР Давлат Кенгаши идоралараро маълумотлар алмашиш тизимини яратди, бу тизим орқали Хитой божхона хизмати ВИО ҳақида маълумот беради ва уни давлат органлари билан алмашади.

⁷² General administration of Customs People’s Republic of China // <http://english.customs.gov.cn>

Давлат назорати натижалари тизимга узатилади, шунинг учун уни такрорлашнинг зарурати йўқ. Юридик шахсга нисбатан ноқонуний фаолият, шунингдек, белгиланган талаблар ва мажбуриятларга риоя қилмаслик гумон қилинса, дарҳол ВИО мақоми тўхтатилади ёки тегишли рўйхатдан юридик шахсларни чиқариб ташланади ҳамда ахборот Хитой божхона хизматига юборилади⁷³.

Ҳозирги кунда тадбиркорлар божхона ва бошқа назорат органларига бормасдан “Халқаро савдо ягона ойнаси” платформасига онлайн-ариза билан мурожаат қилишлари мумкин. Платформа БМТ томонидан “савдони осонлаштириш чораси” сифатида эътироф этилган ва Шанхайдаги эркин савдо зонасида биринчи марта амалга оширилмоқда⁷⁴.

Идоралараро ўзаро ҳамкорликни ҳисобга оладиган бўлсак, чегарачилар эндиликда “унвонли божхона” шаклида иш олиб боради. ХХР Ҳукумати божхона ва назорат органлари интеграциясини тезлаштириш ва шунга мувофиқ зарур натижага эришиш учун ҳокимият фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни ўзгартиришга интилмоқда. Шундай қилиб, барча тегишли қонунлар ва қоидалар муайян қоидаларни ўзгартириш, бекор қилиш ёки ўз вақтида аниқлаштиришни таъминлаш учун кўриб чиқилмоқда. Интеграциянинг энг силлиқ тарзда амалга оширилиши учун божхона назоратини таъминловчи чора-тадбирларни, шунингдек декларация ва лицензиялар каби ҳужжатларнинг шакллари ҳам унификация қилиш зарур. Тижорат ҳужжатларини ўзгартириш, шунингдек уларга бириктириладиган штамп ва муҳрларни алмаштириш ва янгилаш режалаштирилмоқда. Бу интеграция ТИФ иштирокчиларини рўйхатга олиш учун зарур бўлган вақтни ва харажатларни камайтирадиган ягона тизимли икки давлат хизматларини жорий этишни имконини яратади. Ҳозирги кунда, компаниялар Интернетда бир қатор хизматларни, шу жумладан, корхоналарни рўйхатдан ўтказиш, маълумотларни ўзгартириш ва бекор қилиш каби фаолиятларни маъмурий

⁷³ General administration of Customs People’s Republic of China // <http://english.customs.gov.cn>

⁷⁴ Mozer S.V. Digital Customs. WCO Experience // Monograph. Moscow: Publishing. House of the Russian Customs Academy, 2019. P. 266.

марказ ёки божхонадан рўйхатдан ўтмасдан ёки ташриф буюрмасдан сертификатлар олиш учун мурожаат қилишлари мумкин. ХХР ОАВ маълумотларига кўра, ҳар йили 6 мингдан ортиқ корхона Интернет хизматларидан фойдаланади.

Таъкидлаш жоизки, Европа Иттифоқи божхона хизматлари ва ХХРнинг божхона хизмати ўртасидаги ҳамкорлик туфайли халқаро таъминот занжирининг хавфсизлик даражасини ошириш учун зарур бўлган харажатлар ва вақт камайди. Европа Иттифоқи — Хитойнинг интеллектуал ва хавфсиз савдо йўлаги “Smart and Secure Trade Lanes Pilot (SSTL)” — бу Европа Иттифоқи ва Хитойнинг SAFE ва WCO стандартларига мувофиқ таъминот занжири хавфсизлиги воситалари ва механизмларини доимий равишда таҳлил қилиш имконини берадиган синов лойиҳадир.

Лойиҳанинг мақсади турли мамлакатлар божхоналари ўртасида маълумот алмашиш орқали божхона процедуралари вақтини оптималлаштириш ва етказиб бериш занжирининг хавфсизлигини оширишдир. SSTLда иштирок этадиган давлатларнинг, шу жумладан Нидерландия, ХХР ва Гонконг божхона органлари биргаликда хавф-хатарлар тўғрисида маълумот алмашиш ва уларнинг олдини олиш ва минималлаштириш учун хавфсиз алоқа каналларини яратиш устида ишламоқда. SSTL лойиҳаси бўйича биринчи авиа ташув 2017 йил май ойида Схипхолдан Гуанчжоу шаҳридаги (ХХР) Байюнь аэропортига етказиб берилди. Схипхол — ҳозирги вақтда Жаҳон Савдо Ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ва қўллаб-қувватланадиган ҳамда шифрланган маълумот алмашиш платформасидан фойдаланиб SSTL AIR лойиҳасида иштирок этадиган ягона Европа аэропорти.

Ушбу лойиҳа ХХР, Нидерландия ва бошқа Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасидаги яқин ҳамкорлик туфайли нефтни етказиб бериш занжирида ортиқча вақтни қисқартирди ва олдиндан айтиб бўладиган хавф кўрсаткичларини оширди. ХХРнинг рақамли божхонани ривожлантириши расмийлаштирув вақтини қисқартириш, давлат идоралари ва ТИФ

иштирокчилари ўртасида тўғридан-тўғри алоқани таъминлаш, ҳужжатлар ва маълумотларга тузатишлар ва қўшимчалар киритиш, аризаларни топшириш ва уларни онлайн рўйхатдан ўтказиш имкониятини яратмоқда. Буларнинг барчаси, асосан, ташқи савдо ва божхона қонунчилиги соҳасида амалга оширилаётган давлат ислоҳотлари натижасидан далолат беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ХХР ўзининг жаҳон миқёсидаги меъёрий-ҳуқуқий базаси ва чет эл товарларининг катта ички бозори туфайли жаҳон савдосида муҳим роль ўйнайди. Ушбу жараёнда ХХРда рақамли прокуратура органлари ва божхона хизмати ўртасидаги ҳамкорликни жорий қилишга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, рақамли иқтисодиётни шакллантириш контекстида прокуратура ва божхона маъмурияти назарияси ва амалиётини ривожлантириш муаммолари барча даражаларни қамраб олади. Бу концептуал характердаги муаммолар, адекват моделлар ва усулларни қидириш, технологиялар ва бошқарув тизимларини яратиш ва модернизация қилишни талаб қилади. Бизнинг фикримизча, божхона маъмуриятчилиги ва прокуратура органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг тегишли рақамли трансформациясини амалга ошириш учун эътиборни талаб қиладиган энг долзарб муаммолар қаторига қуйидагилар киради: -прокуратура ва божхона маъмуриятчилигида рақамли иқтисодиётининг асосий ғоясини (моделини) шакллантириш ва ривожлантириш, прокуратура ва божхона ҳамкорлик жараёнлари ва технологияларини гибрид интеллектуализация моҳиятини ҳамда уни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Давлат божхона қўмитаси Йўл харитасида акс эттириш; - билимларга асосланган прокуратура органлари назариясининг асосларини — рақамли прокуратура менежменти назариясини ривожлантириш; билимлар асосида бошқариш вазибалари мажмуини ишлаб чиқиш, ягона ахборот платформасини яратиш, илғор IT технологиялари ва воситалари асосда таҳлил қилиш ва тайёрлаш; - прокуратура органлари фаолияти ва прокуратура ахборот технологиялари кўрсатадиган хизматлар сифатини баҳолаш мақсадлари, кўрсаткичлари ва

мезонларининг изчил ва мувозанатли тизимини яратиш; - рақамли прокуратура маъмуриятчилиги ва бошқаруви учун ахборот ва дастурий-техник воситалар, хавфсизлигини таъминлаш бўйича услубий ва дастурий-техник базани ишлаб чиқиш; - ҳуқуқий, инфратузилмавий, ташкилий ва кадрлар тайёрлаш тизимидаги муаммоларни ечишдан иборат.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Биринчидан, прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга

етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

ушлаб турилганларни, камоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиной жазоларни ва жинойт-хуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Юқорида кўрсатилган прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлиги, тезкорлиги ва шаффофлигини ошириш, назорат функцияларини амалга ошириш усулларини такомиллаштириш, қонун хужжатлари ижроси устидан таъсирчан назоратни кучайтириш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида фаолият изчил рақамли трансформация қилинмоқда.

Иккинчидан, прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг асосий йўналишлари – прокуратура органлари ахборот инфратузилмаси яратиш ҳамда асосий фаолият йўналишларини автоматлаштириш.

Хусусан, Бош прокуратурада замонавий Маълумотларни қайта ишлаш маркази барпо этилди. Маълумотларни қайта ишлаш марказида сервер ва тармоқ ускуналари жойлаштирилган.

Республика, вилоят ва туман даражадаги прокуратура органларида локал ҳисоблаш тармоқлари яратилди. Уларни ўзаро боғлаш учун оптик линиялари ўтказилиб, корпоратив тармоқ ишга туширилди. Бу прокуратура органларининг барча ходимларига ахборот тизимлари ва ресурсларидан фойдаланишга имкон берди.

Ходимларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида IP-телефония ва аудио-конференцалоқа тизимлари яратилиб, республика миқёсида жорий этилди.

Бундан ташқари, Бош прокуратура, вилоят прокуратуралари, Транспорт ва Ҳарбий прокуратуралар ўртасида видео-конференцалоқа тизими жорий этилди. Натижада йиғилишлар ўтказилиши билан боғлиқ вақт ва транспорт харажатлари сезиларли даражада тежалмоқда.

Шунингдек, прокуратура органлари замонавий компьютер ва офис техникаси билан жиҳозланиб келинмоқда.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Фаолиятни рақамлаштириш бўйича қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон Президентининг 2015 йил 16 ноябрдаги “Прокуратура органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2433-сон қарори билан прокуратура органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланган.

Ушбу дастурда, хусусан, қуйидаги тадбирлар белгиланган: оптик толали алоқа линиялари асосида туман даражасигача бўлган хавфсиз корпоратив компьютер тармоғини яратиш; Маълумотларни қайта ишлаш марказини барпо этиш; хавфсиз электрон почтани амалга ошириш; аудио-видеоконференцалоқа тизими ва IP-телефония тармоғини яратиш; электрон ҳужжат айланишига ўтиш; прокуратура органларининг ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларини яратиш; идоралараро ахборот ҳамкорлигини ташкил этиш; компьютер ва периферик ускуналар, дастурий таъминот билан жиҳозлаш.

Бу борадаги ишларни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 июлдаги “Ўзбекистон

Республикаси прокуратура органлари фаолиятига ахбороткоммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2568-сонли қарорига мувофиқ, Бош прокуратура тузилмасида Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ташкил этилди. Мазкур қарорга асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Транспорт прокуратураларида тегишли тармоқлар ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишдаги фаолияти қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- Прокуратура органларида ахборот тизимларини жорий этиш;
- Идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил этиш;
- Маълумотларни қайта ишлаш маркази ва ҳимояланган корпоратив тармоқ фаолиятини таъминлаш;
- Корпоратив видео-конференцалоқа тизими ишлашини таъминлаш;
- Корпоратив IP-телефония тизими ишлашини таъминлаш;
- Эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш;
- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- Электрон рақамли имзони жорий этиш.
- Дизайн яратиш.

II-БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимидир.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Фаолиятни рақамлаштириш бўйича қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 16 ноябрдаги “Прокуратура органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2433-сон қарори билан прокуратура органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланган.

Ушбу дастурда, хусусан, қуйидаги тадбирлар белгиланган:

оптик толали алоқа линиялари асосида туман даражасигача бўлган хавфсиз корпоратив компьютер тармоғини яратиш; Маълумотларни қайта ишлаш марказини барпо этиш; хавфсиз электрон почтани амалга ошириш; аудио-видеоконференцалоқа тизими ва IP-телефония тармоғини яратиш; электрон ҳужжат айланишига ўтиш; прокуратура органларининг ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларини яратиш; идоралараро ахборот ҳамкорлигини ташкил этиш; компьютер ва периферик ускуналар, дастурий таъминот билан жиҳозлаш.

Бу борадаги ишларни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2016 йил 29 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2568-сонли қарорига мувофиқ, Бош прокуратура тузилмасида Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ташкил этилди. Мазкур қарорга асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Транспорт прокуратураларида тегишли тармоқлар ташкил этилди.

Бошқарма фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 14 апрелдаги 266-сон буйруғи (муқаддам - 2016 йил 29 августдаги 266-сон буйруғи) билан тартибга солинади. Жойлардаги тармоқлар мазкур буйруқ билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўз иш фаолиятларини олиб боришмоқда. Бошқарманинг асосий вазифаларига прокуратура органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яъни ахборот тизимлари, дастурий таъминотларни яратиш, маълумотларни қайта ишлаш маркази, ахборот тизимлари, корпоратив тармоқ ва IP-телефонияни узлуксиз ишлашини таъминлаш, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлиги соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш киради.

Бошқарма ва унинг жойлардаги бўлимларига қуйидаги вазифалар юклатилган:

АКТни жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари, Бош прокуратура ҳайъати қарорлари ва иш режалари, Бош прокурор буйруқлари, фармойишлари ва кўрсатмалари ижросини қатъий таъминлаш;

прокуратура органларида АКТни жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

соҳадаги илғор хорижий тажрибани ўрганиб бориш, замонавий

АКТ ва дастурий маҳсулотларни кенг жорий этиш орқали прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, бу борада прокуратура, Департамент ва Бюро органларининг фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, услубий ва амалий таъминлаш;

прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича электрон маълумотлар базаларини яратиш ва юритиш, қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш соҳасида прокуратура органлари фаолиятини рақамлаштириш;

прокуратура органларининг ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, интеграция қилиш, тегишли экспертизалардан ўтказиш, жорий этиш, кузатиш ҳамда модернизация қилиш босқичларини назорат қилиш, шунингдек, уларга доир тегишли техник ҳужжатлар (концепция, йўриқномалар ва ҳ.к.)ни тайёрлаш;

маълумотларни қайта ишлаш маркази, корпоратив ҳисоблаш тармоғи, ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларини модернизациялаш ва ривожлантириш;

прокуратура органлари ахборот хавфсизлигини ва маълумотларнинг комплекс ҳимоясини таъминлаш чораларини кўриш, ахборот тизимлари ва ресурсларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигига, шу жумладан, ахборот хавфсизлиги сиёсати талабларига қатъий риоя этилиши устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш;

ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳамда маълумотлар базаларини ҳимоя қилиш ва уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича АКТ инфратузилмасини такомиллаштириб бориш, сервер ва тармоқ қурилмаларига ҳамда компьютер воситаларига техник хизмат кўрсатиш;

ахборот тизимлари ва тармоқ ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ҳамда бошқариш;

тармоқ ва маълумотлар базалари бошқарувини амалга ошириш, захира учун маълумотлардан нусха олиниши ва уларнинг қайта тикланишини таъминлаш чораларини кўриш;

ахборот тизимлари ва уларнинг алоҳида таркибий тизимларини яратиш бўйича техник топшириқлар ишлаб чиқилишини таъминлаш;

Бош прокуратура ахборот тизимлари ва ҳисоблаш тармоғига рухсатсиз уланиш [кириш] ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриш ва бартараф этиш ҳамда бу ҳақда зудлик билан Бош прокуратура раҳбариятига ахборот бериш;

Бош прокуратуранинг таркибий тармоқлари билан ҳамкорликда ходимларнинг замонавий АКТни қўллаш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида назарий билимларини яхшилаш ҳамда амалий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган тадбирларнинг тизимли равишда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

АКТ ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида идоралараро ҳамкорликни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

АКТни жорий этиш, фойдаланиш, ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида идоравий ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, сервер ва тармоқ қурилмалари ҳамда компьютер техникаларини эксплуатация қилиш ва уларга хизмат кўрсатишнинг ягона қоидаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш;

Бош прокуратурада ташкил этиладиган йиғилишлар, Бош прокуратура раҳбариятининг қабуллари ва бошқа муҳим тадбирлар учун зарур техника (аудио, видео ва ҳ.к.) воситаларини шай ҳолатга келтириш ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш;

фуқароларни қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

қонунчиликни тарғиб қилиш, ходимлар малакасини ошириш юзасидан тадбирлар ўтказиш, ижобий иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш чораларини кўриш, идоравий ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари

ишлаб чиқилишида иштирок этиш;

тизимли тахдил асосида Бош прокуратуранинг иш режаларига таклифлар киритиш, бошқарманинг иш режасини тузиш ва ижросини таъминлаш, белгиланган муддатларда статистик ҳисоботларни тузиш;

амалга оширилган ишлар ҳақида Бош прокуратура раҳбариятига мунтазам ахборот бериб бориш;

қонунчилик ҳужжатлари, Бош прокуратура ҳайъати қарорлари, Бош прокурор буйруқлари, фармойишлари ва кўрсатмалари, Бош прокуратура раҳбариятининг топшириқларига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга ошириш ва бошқалар.

Хорижий тажрибани ўрганиб, дунё бўйлаб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига рақамли технологиялар фаол жорий этилаётганини эътироф этиш керак ва ушбу тенденция Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади.

Бошқарма томонидан идоралараро электрон ҳамкорлик йўлга қўйилган ҳолда Бош прокуратуранинг ахборот тизимлари ва ресурслари яратиб келинмоқда.

Хусусан, “Электрон ҳужжат айланиши”, “E-material”, “Процессуал мажбурлов чораларининг ягона электрон ҳисобини юритиш модули”, “Ягона ҳисобот портали”, “Кадрлар сиёсати”, “Оммавий назорати” дастурлари ишлаб чиқилиб, фаолиятга жорий этилди.

Электрон ҳужжат айланиш тизими ҳужжатларни шакллантириш, қайта ишлаш, қабул қилишдан тортиб, уларни архивга топшириш ва йўқ қилишгача бўлган даврдаги ҳужжатларнинг ҳаракатини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимидир.

Бош прокуратуранинг “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизими 2019 йил 15 октябрдан расмий равишда ишга туширилиб, Бош прокуратура, вилоят ва туман (шаҳар) прокуратуралар, Ҳарбий ва Транспорт прокуратураларда ҳамда Департамент органларида жорий этилди. 2021 йилдан мазкур тизим Мажбурий ижро бюроси органларида ҳам жорий этилди. Тизим жорий этилганлиги сабабли ҳужжатларни рўйхатга олиш ва

ижрочиларга етказишнинг анъанавий 15 та босқичдан 10 таси бекор қилинди.

Ахборот тизимида электрон рақамли имзо билан имзолаш ва имзоланган ҳужжатда QR-кодни яратиш функциялари жорий этилди. Ўзбек тилидаги матнларда хатолар мавжудлигига текширувчи функция ишлаб чиқилди. Ходимлар файл ва хабарлар билан алмашиш имкониятини яратиш мақсадида тизимда мессенджер жорий этилди.

“Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизими ижро интизомини онлайн равишда назорат қилишга, ҳужжатларнинг йўқолиб кетиш хавфини истисно қилишга, ходимлар жойлашишидан қатъи назар, ҳужжатлар алмашинувини тезкор равишда таъминлашга, қоғоз ва почта харажатларининг камайишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизимида ўзбек тилидаги матнларнинг хатосини текширувчи база янгиланди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг муваффақияти ўтмишда содир этилган жиноятлар, уларга алоқадор шахслар, содир этиш воситалари ва усуллари, жиноятларнинг турли излари ва жиноий ҳодисалар билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги тизимлаштирилган маълумотлар билан таъминлаш даражасига, шунингдек, ҳодисалар ва объектларни аниқлаш, қидириш ва аниқлаш мақсадида терговчининг бундай маълумотлардан фойдаланиш қобилиятига боғлиқ.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида ҳисобот ва статистик маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш бўйича ахборот тизимлари, тезкор, тергов амалиёти, криминалистик, бошқарув, эксперт фаолияти учун мўлжалланган автоматлаштирилган ахборот тизимлари ишлатилиши мумкин.

Шунингдек, маълумотларни қайта ишлаш тизимлари, автоматлаштирилган ахборот-маълумотнома тизимлари, автоматлаштирилган иш жойлари (ҳар хил ситуацион ёки call-марказлар) қўлланиши мумкин.

Мисол учун, Финляндия ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг интеграциялашган ахборот тизими 63 та суд округи, 6 та апелляция судлари ва Финляндия Олий судига хизмат кўрсатади. Тизим 30 та жазони ижро этиш муассасаси, криминал полиция ва прокуратура органлари, суд қарорларини ижро этиш идоралари, жиноятлар учун жарима ундириш бошқармаси жорий этилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича АҚШ тажрибаси ҳам эътиборга молик. Хусусан, 1997 йилдан буён АҚШда жиноят ишини юритишда электрон ҳужжат айланишига ўтишга қаратилган бир нечта федерал қонунлар қабул қилинган.

Прокуратура органлари томонидан ҳисоботларни электрон тарзда топширишни таъминлаш мақсадида “Ягона ҳисобот портали” яратилди.

Муқаддам прокуратура органлари фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисобот қоғоз шаклида тақдим этилган. Туман (шаҳар) прокуратуралари ҳисоботларни вилоятлар прокуратураларига тақдим этган. Сўнгра ҳисоботлар Бош прокуратурага юборилган. Айни пайтда вилоят ва туман даражасидаги ҳар бир прокуратура органи ва тармоғи ягона ҳисобот тизими порталидаги шахсий кабинетлари орқали ҳисобот маълумотларини тақдим этмоқда. Ушбу портал жорий этилиши қуйидаги имкониятларни берди:

фаолият натижалари бўйича ҳисобот маълумотларининг шаффофлигини ошириш;

ҳисоботларни тақдим этиш ва таҳлил қилиш жараёнлари вақтини қисқартириш ва соддалаштириш;

инсон омилини минималлаштириш, ишончликни ошириш, маълумотларга тузатиш киритилиши эҳтимолини камайтириш;

Бош прокуратурада прокурор назорати фаолиятини рақамлаштириш йўналишида “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ва бошқа дастурлар ижроси бўйича қонунийликни таъминлаш, маблағлар талон-торож қилишининг олдини олиш мақсадида “Бюджет назорати” ахборот тизими ишга

туширилиб, муайян натижаларга эришилди.

Ҳар бир объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари, экспертиза, тендер, молиялаштириш ва бажарилган иш ҳажмлари билан боғлиқ барча ҳуқуқий ҳужжатлар дастурга киритилади;

қайд этилган масалаларнинг ҳар бири бўйича белгиланган муддатлар бузилган тақдирда дастур автоматик тарзда масъул ходимни хабардор қилади ва ишчи гуруҳ томонидан ушбу ҳолатларни бартараф этиш чоралари кўрилади;

ишчи гуруҳларга ҳар бир объект бўйича топшириқ ва вазифалар бериб бориш имконияти мавжуд; давлат дастурлари ижроси бўйича соҳалар, ҳудудлар ва объектлар кесимида статистик маълумотларни шакллантириш ҳамда таҳлил қилиш автоматик тарзда амалга оширилади; жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида фуқароларга “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига киритилган ҳар бир объект бўйича мурожаатлар ва маълумотларни юбориш имконини берувчи **Telegram-бот** ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда прокурор назорати ҳужжатларини юритиш имкониятини берувчи “Прокурор назорати” ахборот тизимини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур ахборот тизими прокурор назорати доирасида ўтказилган текширишлар ва қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларини электрон шаклда юритишга мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сонли фармони⁷⁵ ижросини таъминлаш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими билан интеграция қилинди. Ходимлар зарур маълумотларни олиш тезкорлигини ошириш мақсадида 16 та давлат ташкилотининг ахборот

⁷⁵ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.03.2021 й., 06/21/6191/0229-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон

тизимлари билан электрон маълумот алмашинувини таъминловчи 20 дан ортиқ дастурий таъминот ишга туширилди. Интеграция натижасида маълумотларни масофадан туриб электрон шаклда олиш имконияти яратилди. Интеграция натижасида “Электрон хужжат айланиши” ахборот тизими интерфейси орқали маълумотларни масофадан туриб электрон шаклда олиш имконияти яратилди.

2.2. Электрон иш юритуви, прокурор ва тергов фаолиятига оид рақамли технологияларидан фойдаланиш амалиёти таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-105-сонли қарори қабул қилиб, Президент қарори билан 1 майдан суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятини рақамлаштириш ва ишни судга қадар юритиш бўйича «Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ахборот тизими жорий этилади. Тизимдаги жисмоний ва юридик шахсларга оид маълумотлар суриштирув ва тергов органларининг сўровига кўра тақдим этилади. Ягона тергов ахборот тизими орқали ишни судга қадар юритиш масалаларида электрон хужжат алмашиш қўйидагилар томонидан амалга оширилади:

- Ички ишлар вазирлиги;
- Бош прокуратура;
- Давлат хавфсизлик хизмати;
- Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси;
- Давлат божхона қўмитаси;
- Миллий гвардиянинг суриштирув ва дастлабки тергов органлари.

Ягона тергов ахборот тизимининг бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялашуви, унинг узлуксиз ишлаши, ахборот хавфсизлиги таъминланиши учун Бош прокуратура масъул ҳисобланади.

Қарор билан Ягона тергов ахборот тизими доирасида суриштирув ва тергов органлари билан электрон ҳамкорликни амалга оширувчи давлат органлари ҳамда ташкилотлар рўйхати тасдиқланди.

Шунга кўра, жисмоний ва юридик шахслар ҳақидаги мавжуд маълумотлар суриштирув ва тергов органларининг электрон сўрови бўйича бепул асосда тақдим этилади.

Қарорга мувофиқ, 2022 йил 1 майдан Ягона тергов ахборот тизими синов версияси, 2022 йил 1 августдан тўлиқ версияси ишга туширилади.

Суриштирув ва тергов органлари ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари негизида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5048-сон қарори 14-банди талабларидан келиб чиқиб, Бош прокуратура томонидан «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари амалга оширилишида жамоатчилик назоратини таъминловчи Telegram мессенжерига махсус бот ва «Электрон ҳужжат айланиш» ахборот тизими таркибидаги «Бюджет назорати» модули ишлаб чиқилган.

Мазкур модуль ёрдамида прокуратура органи ходимлари (фойдаланувчилар) томонидан «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари рўйхатига киритилган объектлар бўйича маълумот (вилоят, туман, маҳалла, кўча, соҳа, объект ҳолати, номи) маълумотлар базасига киритилади. Модулда объектларни вилоят, туман ва маҳалла кесимида филтрлаш мумкин.

Шунингдек, объектлар бўйича ажратилган маблағлар ва бажарилган ишлар ҳақида маълумотлар ва ҳужжатларни киритиш мумкин.

Фуқаролар Telegram-бот (@obod_mahalla_dasturi_bot) ёрдамида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари рўйхатига вилоятлар ва туманлар кесимида киритилган объектларни танлаб, улар бўйича мурожаатлар (қонунбузилишлари ҳақида аризалар, бажарилмаган ишлар ҳақида шикоятлар

ва ҳ.қ.) ва маълумотларни (матн, ҳужжатлар, фотолавҳалар) юборишлари мумкин.

Шунингдек, 2021 йилнинг 1-яримида бошқарма томонидан қуйидаги дастурий таъминотлар ҳам ишлаб чиқилган:

- “Бюджет назорати” дастури ва телеграм-боти;
- “Ҳер назорати” дастури ва телеграм-боти;
- “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” Ягона ахборот тизими таркибидаги “Суд ҳукмлари” дастурий модули;
- “Прокурор сектори” мобил иловаси;
- Ягона ҳисобот порталидаги ҳисоботларнинг янги шакллари;

Янги таклифлар асосида ишлаб чиқилган “Бош прокурор буйруқлари” ва “Ижобий иш тажрибаси” ахборот ресурсларининг янгиланган таҳрири ишлаб чиқилди.

Прокурор назорати доирасида ўтказилган текширишлар ва қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларини электрон шаклда юритиш имкониятини берувчи "Прокурор назорати" ахборот тизими ишлаб чиқилган.

Ахборот тизимлари фойдаланувчиларига доимий равишда техник ёрдам кўрсатилиб келмоқда.

Дизайн яратиш йўналишида ишлар йўлга қўйилган бўлиб, ҳар бир ахборот тизими интерфейси фойдаланувчилар талабларига кўра такомиллаштирилиб келмоқда.

Маълумки, ахборот тизимларини **интеграция** қилиш инсон омилини камайтиради, самарадорликни оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6191-сон Фармони ижро этиш мақсадида Бош прокуратуранинг “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизими Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро

интеграциялашув платформаси ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга кўйишнинг автоматлаштирилган тизими билан интеграция қилинди.

Ҳозирги пайтда Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ахборот тизими билан интеграция қилинди.

Бундан ташқари, IP-телефония тизими прокуратура органларини ахборот хавфсизлиги талабларига жавоб берувчи юқори сифатли алоқа билан таъминлаш, алоқа учун харажатларни кескин қисқартириш, барча ходимлар телефон аппаратлари билан таъминлаш, йиғилишларни аудио-конференцалоқа орқали ўтказиш имкониятини яратиш ва ходимлар учун йўл харажатларини қисқартиришга хизмат қилмоқда.

Аудио-конференцалоқа тизими ёрдамида республика миқёсида 2020 йил давомида жами 320 марта йиғилиш ўтказилиши таъминланди.

Ички локал тармоқда **Lex.UZ** миллий базаси ва **Е-ХАТ** ҳимояланган электрон почта тизимидан фойдаланиш имконияти яратилган. Шунингдек, прокуратура органлари замонавий **компьютерлар** ва **офис техникаси** билан мунтазам равишда жихозланиб келмоқда.

Йиғилишлар ўтказилиши билан боғлиқ вақт ва транспорт харажатларини тежаш мақсадида Бош прокуратура, вилоят прокуратуралари, Транспорт ва Ҳарбий прокуратуралар ўртасида **видео-конференцалоқа тизими** жорий этилди.

Видео-конференцалоқа тизими ёрдамида 2020 йил давомида жами 140 марта йиғилиш ўтказилиши таъминланди.

Бошқа давлат органлари ва чет эл ташкилотлар билан видео-конференцалоқа ёрдамида мажлислар ўтказилишини таъминлаш мақсадида видео-конференцалоқа сервиси ишга туширилди.

Доимий равишда ахборот инфратузилманинг хавфсизлиги ва узлуксиз фаолияти таъминланмоқда, шунингдек хизмат компьютерлари ва принтерларга хизмат кўрсатиш ва дастурий таъминотларни ўрнатиш ишлари ўз вақтида амалга оширилди.

Прокуратура органларида фаолиятни автоматлаштириш ва анъанавий жараёнларни қисқартириш орқали уларнинг тезкорлиги ва унумдорлигини ошириш мақсадида бошқарма томонидан идоралараро электрон ҳамкорлик йўлга қўйилган ҳолда Бош прокуратуранинг **ахборот тизимлари ва ресурслари** яратилиб келинди.

Хусусан, “Электрон ҳужжат айланиши”, “Электрон жиноий ҳуқуқий-статистика”, "E-material", “Процессуал мажбурлов чораларини ягона электрон ҳисобини юритиш модули”, “Ягона ҳисобот портали”, “Кадрлар сиёсати”, “Телефон китоби”, “Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик” ва “Раҳбарият қабулига электрон навбат олиш” дастурлари **фаолиятга жорий этилди.**

“**Электрон ҳужжат айланиши**” ахборот тизими 15.10.2019 йилдан расмий равишда ишга туширилиб, Бош прокуратура, вилоят ва туман (шаҳар) прокуратуралар, Ҳарбий ва Транспорт прокуратураларда ҳамда Департамент органларида жорий этилди.

Бу билан ҳужжатларни рўйхатга олиш ва ижрочиларга етказишнинг анъанавий 15 та босқичдан 10 таси бекор қилинди.

Ахборот тизимида электрон рақамли имзо билан имзолаш ва имзоланган ҳужжатда QR-кодни яратиш функциялари жорий этилди. Ўзбек тилидаги матнларда хатолар мавжудлигига текширувчи функция ишлаб чиқилди. Ходимлар файл ва хабарлар билан алмашиш имкониятини яратиш мақсадида тизимда мессенджер жорий этилди. Ахборот тизимида Давлат солиқ қўмитаси базасидан солиқ тўловчи бўйича зарур бўлган маълумотларни олиш имконияти яратилди.

2.3. Фаолиятга жорий этилган рақамли технологияларидан фойдаланишнинг хатарлари ва уларни олдини олиш бўйича механизмлар

Фаолиятга жорий этилган рақамли технологияларидан фойдаланишнинг хатарлари ва уларни олдини олиш бўйича механизмларни такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу ўз навбатида ОАВларида фуқароларнинг шахсий ҳаётини ёки давлат ва нодавлат ташкилотларининг фаолиятига оид

маълумотларнинг асоссиз ошкор этилиши шахсий ҳаётга дахл қилиши ёки Конституция билан кафолатланган бошқа сирларга путур етказиши мумкин. Ошкор этилиши жамият ва давлат манфаатларига таҳдид соладиган, аҳолининг, айниқса вояга етмаганларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълумотлар ва ҳолатларни тадқиқ этиб ўрганиш долзарб ҳисобланади. Зеро, юқоридаги каби салбий оқибатларнинг олдини олиш учун суд ишларини ошкора кўриб чиқиши, демакки, судлар фаолиятининг очиқлигидан чекланишга тўғри келади.

2007 йил 15 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) б-моддасида оммавий ахборот воситаларининг муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиши ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатиши тақиқланиши ўз ифодасини топган⁷⁶.

Шу билан бирга, жинойий фаолиятда ишлатилган технологияларнинг, жиноятни содир этишда фойдаланилган усулларнинг тарғиб қилинишига йўл кўймаслик мақсадида судда иш кўришнинг ошкоралиги каби принципларни чеклаш тақозо этилади. Бинобарин, судда кўрилаётган ишларни кенг оммага очиқлаш ёки уни ОАВ орқали эълон қилиш, намойиш этиш жиноятларни содир этиш усуллари ва технологияларини тарғиб қилиш сифатида жамиятнинг айрим қатламларини криминаллаштириш хавфини ошириши мумкин.

Инсон ҳуқуқларини, шу жумладан, судда ишларни ошкора кўрилиши билан боғлиқ ҳуқуқларни чекланиши билан боғлиқ зарурат суд фаолиятининг моҳиятидан келиб чиқади. Одил судлов ҳар доим муайян субъектларнинг, баъзан эса умуман давлатнинг у ёки бу манфаатларига таъсир қилади. Шу туфайли, бир шахснинг одил судлов билан боғлиқ маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқининг амалга оширилиши бошқа ҳуқуқ субъектларининг манфаатларига зид бўлиши мумкин. Чунки маълумотларнинг ошкор бўлиши

⁷⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январдаги “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 й. 3-сон, 20-модда.

бошқа ҳуқуқ субъектларига зарар етказиши, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъсир қилиши мумкин.

Шу сабабли мамлакатимиз Конституциясининг 29-моддасида ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга эканлигини белгилаш билан бир вақтда амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснолиги мустаҳкамлаб қўйилган⁷⁷.

Дарҳақиқат, юридик адабиётларда давлат органлари фаолиятининг очиклиги билан боғлиқ қонунларни ягона қонунга бирлаштириш бўйича таклифлар илгари сурилиб келинади. Хусусан, А.С.Агеев ўз тадқиқот ишида Россия Федерациясининг “Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақидаги маълумотларга киришни таъминлаш тўғрисида”ги Федерал қонуни ва “Россия Федерациясида судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга киришни таъминлаш тўғрисида”ги Федерал қонунини маълумотларга киришни таъминлашнинг умумий қоидаларини белгилаб берадиган ягона Федерал қонунга бирлаштириш таклифини илгари сурган⁷⁸.

Ўзбекистон Республикасининг таклиф этилаётган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг прокуратура органлари ва суд фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Қонунида умумий қоидалар, прокуратура органлари ва судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш талаблари; прокуратура органлари ва судлар фаолияти ҳақида ахборот тақдим этиш; прокуратура органлари ва судларнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги; прокуратура органлари ва судлар фаолияти ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш; прокуратура органлари ва судлар фаолияти ҳақида ахборотни таъминлаш устидан назорат ҳамда яқуний қоидалар назарда тутилиши керак.

⁷⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <http://constitution.uz/uz/clause/index>

⁷⁸ Агеев А.С. Право на доступ к информации, находящейся в распоряжении государственных органов (особенности конституционно-правового регулирования в России и в Германии) // Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -Москва, 2016. – 10 с.

Бу борада аввало хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, суднинг қарор ва ҳукмларнинг матнлари улар кучга киргандан кейин Интернетда жойлаштирилади. Судлар томонидан чиқарилган суд ҳужжатлари матнлари Интернетда жойлаштирилганда, суд процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсий ҳужжатлар ушбу ҳужжатлардан чиқариб ташланади.

Суд қарорларининг очиклигини таъминлаш ва уни ОАВ орқали эълон қилиб бориш бўйича Германия ва Франция тажрибаси шуни кўрсатадики, суд ҳал қилув қарорлари жамоатчилик учун очик ва жиддий асослар мавжуд бўлганда томонларнинг номлари ошкор қилинмайди. Айниқса, Францияда олий суд инстанциялари ва маъмурий судлар қарорлари Интернетдаги ҳуқуқий ахборот сайти орқали тарқатилади ва Буюк Британияда қизиқарли бўлган суд қарорларини ОАВ орқали мунтазам равишда чоп этиб борилади⁷⁹.

АҚШ да суд ҳал қилув қарорларини нафақат электрон шаклда, балки чоп этилган шаклда ҳам олиш имконияти мавжуд. Хусусан, АҚШнинг барча суд қарорлари шу судларга тегишли бўлган нашрларда тўпلام сифатида чоп этиб борилади ва мазкур нашрлар билан юридик кутубхоналар танишиш мумкин⁸⁰.

МДХга аъзо давлатларнинг бу борадаги тажрибаси шуни кўрсатадики, масалан, Россия Федерацияси Судьялар кенгаши Президиумининг 2011 йил 27 январдаги 253-сонли қарори билан судлар тўғрисидаги маълумотлар ва суд ҳужжатлари матнлари Интернетда умумий юрисдикция судининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини ташкил этиш тўғрисидаги низом тасдиқланган⁸¹. Ушбу Низомга биноан, суд аппаратининг масъул ходими қонун ҳужжатлари талабларига ва мавжуд компьютер технологияларига мувофиқ суд

⁷⁹ Барнар К. Пути и способы распространения информации о судебных решениях в Великобритании / В сб.: Судебная практика как источник права. –М., 2000. –С. 71-72.

⁸⁰ Власихин В. Виртуальное путешествие российского читателя по американским судам // Российская юстиция. 2001. №3. –С. 60-63.

⁸¹ Постановление Президиума Совета судей РФ от 27.01.2011 N 253 (ред. от 24.03.2011) “Об утверждении Регламента организации размещения сведений о находящихся в суде делах и текстов судебных актов в информационно-телекоммуникационной сети “Интернет” на официальном сайте суда общей юрисдикции” // http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_109988/

хужжатлари матнларини демаркация қилади (чегаралайди, белгилайди) ва (ёки) улардан чекланиши бўлган маълумотларни чиқариб ташлайди. Ушбу Низомга биноан шахсни шахссизлантириш (номерификация қилиш) деганда суд хужжати матнidan шахсий маълумотларни чиқариб ташлаш тушунилади. Ушбу Низом суддаги ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва суднинг веб-сайтида эълон қилинган суд хужжатлари матнidan чиқариб ташланиши керак бўлган процесс иштирокчиларининг тахминий рўйхатини белгилайди⁸².

Бундан ташқари, фаолиятга жорий этилган рақамли технологияларидан фойдаланишнинг хатарларига ахборот рухсатсиз тарқалиши, чиқиб кетиши, ўғирланиши, белгиланган қоидаларга зид равишда фойдаланиш, унинг яхлитлигини бузиш (тузатишларни киритиш ёки ўчириш) ва рухсат этилган фойдаланувчиларга тақдим этмаслик ва бошқа хатарларни кўриб чиқиш лозим бўлади.

Рақамли маълумотлар хавфсизлиги билан боғлиқ хавфларнинг ортиб бориши, давлат ва жамият манфаатлари ҳамда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига таҳдид солиши – глобал рақамли бошқарув учун янги муаммоларни келтириб чиқараётганини таъкидлаш мумкин.

Хавфсизлик – ҳар куни биз тўқнашадиган ҳаётимизнинг жиҳати: эшикни кулфлаймиз, қимматбаҳо нарсаларни бегона кўзлардан беркитамиз ва ҳамённи дуч келган жойда қолдирмаймиз. Бу жиҳат “рақамли дунёга” ҳам татбиқ қилиниши керак, чунки ҳар бир фойдаланувчининг компютери қароқчи хужуми объекти бўлиши мумкин.

Ахборотни қандай йўқотиш мумкинлигини ва бу қандай оқибатларга олиб келишини барча ҳам тушунавермайди.

Масалан, хакерлар Yahoo.com, Amazon.com каби йирик компанияларга, хаттоки космик тадқиқотлар агентлиги NASAга ҳам катта зарар етказишган.

⁸² Постановление Президиума Совета судей Российской Федерации от 27.01.2011 № 253 «Об утверждении регламента организации размещения сведений о находящихся в суде делах и текстов судебных актов в информационно-телекоммуникационной сети «Интернет» на официальном сайте суда общей юрисдикции» // СПС «КонсультантПлюс», раздел «Законодательство».

Хавфсизлик хизмати бозорининг энг йирик компанияларидан бири бўлган RSA Security ҳар қандай таҳдидларга қарши чора борлиги хусусидаги баёнотидан бир неча кун ўтгач, хакерлар ҳужумига дучор бўлган.

Бугунги кунда жаҳондаги турли давлатларнинг энг муҳим инфратузилмалар ҳамда ахборот тизимларига кибер-ҳужумлар тез-тез уюштирилаяпти. Мисол учун, 2021 йилда миллий сегментдан 17 миллиондан ортиқ зарарли ва шубҳали тармоқ фаолликлар бўйича ҳолатлар аниқланган, ушбу фаолликларнинг кўпгина қисми, яъни 76 фоизи бот-тармоқ иштирокчиларидан иборат бўлган.

Шу билан бирга, миллий сегментидаги веб-сайтларга қилинган 1,3 миллиондан ортиқ киберҳужумлар аниқланган ва бартараф этилган.

Тобора кучайиб бораётган глобаллашув жараёнида ахборот хуружлари ва кибертаҳдидлардан ҳимояланиш, ўз навбатида, уларга қарши курашиш учун ҳар бир киши хушёр ва огоҳ бўлиши, ахборотни таҳлил қила билиши лозимлигини даврнинг ўзи талаб этаяпти.

Ахборот тизимларини жорий қилиш билан бир қаторда асосий вазирамиз ахборот хавфсизлигини таъминлашдир.

Бош прокурорнинг 2020 йил 17 декабрдаги Б-69-сонли буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ахборот хавфсизлиги сиёсати” тасдиқланган.

Мазкур буйруқ билан қуйидагилар тасдиқланди:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг ахборот хавфсизлиги сиёсати;

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг конфиденциал ахборотни ташкил этувчи маълумотлар рўйхати;

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича Йўриқнома.

Ахборот хавфсизлиги сиёсати мақсади ва вазифаси

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича асосий **ташкилий-услубий базани** шакллантириш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг **ягона тамойилларини ишлаб чиқиш**;

– прокуратура органларининг ахборот тизими ва ресурсларини **узлуксиз ишлашини таъминлашга**, уларнинг фаолиятига ахборот технологиялари орқали рухсатсиз ёки ноқонуний аралашидан ҳимоя қилишга, ахборот хавфсизлиги инцидентларидан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни бартараф этиш ёки камайтиришга, таҳдидларни прогноз қилиш, тўхтатиш ва олдини олишга, ахборот тизими ва **ахборотни ҳимоя қилиш тизимида заифлик ҳолатларини аниқлаш** ва бартараф этишга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг мазкур соҳадаги қонунчилигига риоя қилишга қаратилган ахборот хавфсизлигининг концептуал талабларини белгилаш;

– кенг спектрдаги таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда прокуратура органлари ахборот тизими, **ресурслари ва маълумотлар базаси узлуксиз ва барқарор ишлаши** ва ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаралтирилган ташкилий-техник комплекс тадбирларни шакллантириш;

– прокуратура органларининг **ахборот тизими ва ресурслари конфиденциаллиги, яхлитлиги ва фойдалана олишлигини** таъминлашга қаралтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

прокуратура органларининг ахборот хавфсизлиги соҳасида **инцидентларни олдини олишга** қаралтирилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

– прокуратура органлари ахборотини ҳимоя қилишнинг ташкилий, режимли, техник, дастурий ва бошқа чоралари, услублари ва воситалари жорий этилиши ҳамда ахборот тизими ва ресурслари узлуксиз ишлашини таъминлаш, шунингдек амалга оширилган тадбирлар самарадорлигини назорат қилишнинг **асосий тамойилларини белгилаш**.

– ахборот тизимини яратиш ва эксплуатация қилиш устидан назорат қилиш, **ахборот хавфсизлигини таъминлаш** масаласида ахборот ресурсларини шакллантириш чораларини;

– **ахборот хавфсизлиги рискларини** бошқаришни ташкил этиш бўйича комплекс тадбирларни белгилаш;

– ахборот тизимлари, серверлар, хизмат компьютерлари, маълумотларни сақлаш тизими, кўмаклашувчи ускуналар ва кабель инфраструктурасининг **физик хавфсизлигини таъминлаш** бўйича чораларни кўриш;

– ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, серверлар, маълумотларни сақлаш тизимлари ва хизмат компьютерлари, шунингдек корпоратив ҳисоблаш тармоғи орқали узатиладиган ахборотдан рухсатсиз фойдалана олиш, уни **модификация қилиш ва йўқ қилишдан ҳимоя қилиш** ва бошқалар.

Бош прокурорнинг 2021 йил 2 мартдаги 289-сонли “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги буйруғи билан қўшимча талаблар жорий этилди.

Буйруқда прокуратура органлари конфиденциал ахборотини ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чоралар назарда тутилган бўлиб, ходимлардан конфиденциал ахборотни ошкор қилмаслик ҳақидаги мажбуриятнома олиниб келмоқда.

Кибержиноятларни олдини олиш мақсадида кибержиноятчиларга қарши курашишда худди шундай билим ва салоҳиятга эга кадрларга эҳтиёж ортади.

Худди шу мақсадда йўлга қўйилган “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси диққатга сазовор. Ушбу дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Dubay Future Foundation» жамғармаси, Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети, АТ-академияси ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот технологиялари мактаби ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳа ихтисослаштирилган онлайн портал (UzbekCoders.uz) орқали аҳолига бепул масофавий таълим олиш имкониятини беради. Дастурнинг асосий мақсади — рақамли технологиялар бўйича мутахассислар авлодини тайёрлаш ва дастурлаш бўйича уларга керакли билим ва кўникмалар беришдир.

Умуман олганда, бундай хатарлар ва жиноятларнинг олдини олиш чоралари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

а) **ҳуқуқий чоралар** – Интернет тармоғидан фойдаланиб содир жиноят содир этишга шароит яратувчи омилларни, жумладан, киберхавфсизлик чораларини қонунчиликда тартибга солиб, бундай турдаги жиноятларнинг алоҳида турлари учун жинойий жавобгарлик белгилаш;

б) **ташкилий чоралар** – корхона, муассаса, ташкилотларда ахборот хавфсизлиги тизимини жорий этиш;

в) **техник чоралар:**

– бундай жиноятларнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб, бундай турдаги жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишнинг криминалистик тактика ва методикасини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

– давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан ўз фаолиятида хавфсиз ахборот алмашинувини таъминлаш мақсадида хавфсиз ахборот каналларини яратиш ва уларнинг хавфсизлигини доимий назорат қилиш;

– суд экспертиза муассасалари фаолиятида Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар бўйича суд экспертизаси ўтказилишини йўлга қўйиш;

– ахборот технологиялари соҳасида кадрларни тайёрлаш, бу борада мазкур соҳада катта тажрибага эга хорижий давлатлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг бу соҳадаги малакасини доимий ошириб бориш.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида бундай жиноятларга қарши курашиш бундай жиноятлар учун ўз вақтида жавобгарлик чораларини белгилашни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг асосий мақсадларидан бири коррупция хатарларини камайтириш, коррупцияга оид қонун бузилишларининг олдини олишдир.

Шу мақсадда қуйидаги вазифалар ҳал қилиниб келинмоқда:

прокуратура органлари фаолиятига жорий этиб келаётган ахборот тизимларида шаффоф механизмларини яратиш;

ахборот тизимлари орқали жисмоний ва юридик шахслар билан алоқаларни чеклаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишини автоматлаштириш;

фаолиятнинг барча йўналишларини автоматлаштириш;

топшириқлар ижроси сифати ва муддати устидан автоматик тарзда ишлайдиган назоратни жорий этиш;

қонунчилик ва жинойтчилик ҳолати тўғрисидаги статистик ҳисоботларнинг автоматлаштирилган тарзда шакллантирилишини таъминлаш;

ўзаро электрон ҳамкорлик орқали идоралараро ахборот алмашиш усулларини такомиллаштириш. Шу билан бирга, вазирлик, идора, ҳокимликларда ахборот тизимлари ва ресурслари мавжуд бўлса-да, улар ва прокуратура органлари билан электрон ҳамкорлиги (интеграция) ҳанузгача тўлақонли йўлга қўйилмаган. Таъкидлаш керак, интеграция жараёнлари муайян хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли улар давлат органларидан меҳнат ресурслари, вақт ва маблағ сарфлашни талаб қилади. Шунга кўра, Бош прокуратуранинг ахборот тизимларини бошқа давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграция қилиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиб борилмоқда.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Биринчидан, 2021 йилда прокуратура фаолиятини амалга ошириш юзасидан қуйидаги дастурий таъминотлар ҳам ишлаб чиқилган:

“Бюджет назорати” дастури ва телеграм-боти;

“Ҳер назорати” дастури ва телеграм-боти;

“Электрон жинойт-ҳуқуқий статистика” Ягона ахборот тизими таркибидаги “Суд ҳукмлари” дастурий модули;

“Прокурор сектори” мобил иловаси;

Ягона ҳисобот порталидаги ҳисоботларнинг **янги шакллари**;

Янги таклифлар асосида ишлаб чиқилган “Бош прокурор буйруқлари” ва “Ижобий иш тажрибаси” ахборот ресурсларининг янгиланган таҳрири ишлаб чиқилди.

Прокурор назорати доирасида ўтказилган текширишлар ва қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларини электрон шаклда юритиш имкониятини берувчи **"Прокурор назорати"** ахборот тизими ишлаб чиқилмоқда.

Иккинчидан, “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизими ижро интизомини онлайн равишда назорат қилишга, ҳужжатларнинг йўқолиб кетиш хавфини истисно қилишга, ходимлар жойлашишидан қатъи назар ҳужжатлар алмашинувини тезкор равишда таъминлашга, қоғоз ва почта харажатларининг камайишига хизмат қилмоқда.

2021 йилнинг январь-июнь ойларида ахборот тизимда жами **2 442 958** та ҳужжат ҳаракатлантирилган. **2021 йил 1 июль** ҳолатига кўра тизимда **4,8** мингта фойдаланувчи рўйхатдан ўтган.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг прокуратура органлари ва суд фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши лозим ва унда умумий қоидалар, прокуратура органлари ва судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш талаблари; прокуратура органлари ва судлар фаолияти ҳақида ахборот тақдим этиш; прокуратура органлари ва судларнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги; прокуратура органлари ва судлар фаолияти ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш; прокуратура органлари ва судлар фаолияти ҳақида ахборотни таъминлаш устидан назорат ҳамда якуний қоидалар назарда тутилиши керак.

Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг асосий мақсадларидан бири коррупция хатарларини камайтириш, коррупцияга оид қонун бузилишларининг олдини олишдир.

Шу мақсадда қуйидаги вазифалар ҳал қилиниб келинмоқда:

прокуратура органлари фаолиятига жорий этиб келаётган ахборот тизимларида шаффоф механизмларини яратиш;

ахборот тизимлари орқали жисмоний ва юридик шахслар билан алоқаларни чеклаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишини автоматлаштириш;

фаолиятнинг барча йўналишларини автоматлаштириш;

топшириқлар ижроси сифати ва муддати устидан автоматик тарзда ишлайдиган назоратни жорий этиш;

қонунчилик ва жиноятчилик ҳолати тўғрисидаги статистик ҳисоботларнинг автоматлаштирилган тарзда шакллантирилишини таъминлаш;

ўзаро электрон ҳамкорлик орқали идоралараро ахборот алмашиш усулларини такомиллаштириш.

Бундай хатарлар ва жиноятларнинг олдини олиш чоралари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

а) **ҳуқуқий чоралар** – Интернет тармоғидан фойдаланиб содир жиноят содир этишга шароит яратувчи омилларни, жумладан, киберхавфсизлик чораларини қонунчиликда тартибга солиб, бундай турдаги жиноятларнинг алоҳида турлари учун жиноий жавобгарлик белгилаш;

б) **ташкилий чоралар** – корхона, муассаса, ташкилотларда ахборот хавфсизлиги тизимини жорий этиш;

в) **техник чоралар:**

– бундай жиноятларнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб, бундай турдаги жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишнинг криминалистик тактика ва методикасини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

– давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан ўз фаолиятида хавфсиз ахборот алмашинувини таъминлаш мақсадида хавфсиз ахборот каналларини яратиш ва уларнинг хавфсизлигини доимий назорат қилиш;

– суд экспертиза муассасалари фаолиятида Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар бўйича суд экспертизаси ўтказилишини йўлга қўйиш;

– ахборот технологиялари соҳасида кадрларни тайёрлаш, бу борада мазкур соҳада катта тажрибага эга хорижий давлатлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг бу соҳадаги малакасини доимий ошириб бориш.

III-BOB. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг хорижий тажрибаси бўйича қиёсий-ҳуқуқий таҳлил

Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг хорижий тажрибаси бўйича қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қиладиган бўлсак, хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунига ўхшаш қонунларда айрим ижобий жиҳатларни кўриш мумкин. Хусусан, Россия Федерациясининг 2010 йил 1 январдан кучга кирган “Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақидаги ахборотлардан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги қонуни 1-моддасида ушбу Қонунда қўлланиладиган тушунчаларнинг таснифи берилган. Унга кўра, ахборот олиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг таърифи ҳамда уларнинг аниқ рўйхати ўз ифодасини топган бўлиб, ахборотдан фойдаланувчи сифатида фуқаро (жисмоний шахс), ташкилот (юримдик шахс), жамоат бирлашмалари, давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари эътироф этилган⁸³.

Шунингдек, хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш устидан назорат қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Бу каби назорат аксарият давлатларда парламент томонидан тайинланадиган ихтисослаштирилган омбудсманлар томонидан амалга оширилади. Масалан, Ирландияда ахборот масалалари бўйича комиссарга (англосаксон анъаналари бўйича омбудсманни комиссар деб аташ қабул қилинган) ахборот олиш ҳуқуқи бузилган шахс ариза билан мурожаат қилиши мумкин бўлиб, комиссарнинг бу борада қабул қилган қарори мажбурий кучга

⁸³ Федеральный закон от 09.02.2009 N 8-ФЗ (ред. от 28.12.2017) «Об обеспечении доступа к информации о деятельности государственных органов и органов местного самоуправления» // www.consultant.ru (Дата сохранения: 01.08.2020 г.).

эга бўлади. Канадада комиссарнинг бу борада қабул қилган қарори мажбурий кучга эга бўлмаса-да, бироқ у текшириш ишларини амалга ошириши ва давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан бу борада йўл қўйилган қонун бузилиш ҳолатларининг рўйхатини оммавий равишда эълон қилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, ахборот олиш ҳуқуқи масалалари бўйича Комиссар ҳар йили давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан “Ахборот олиш ҳуқуқи тўғрисида”ги Қонун талаблари қандай бажарилаётганлиги ҳақида парламент олдида маъруза тайёрлайди. Комиссарнинг ушбу маърузаси унинг сайтида эълон қилинади ва у барча учун очиқ ҳисобланади⁸⁴.

Айрим хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасида ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш устидан назорат махсус маъмурий комиссиялар томонидан олиб борилади. Мазкур назорат моделининг афзаллиги шундаки, назорат ихтисослаштирилган ва маъмурий кучга эга бўлган ҳукумат комиссияси томонидан амалга оширилиб, унинг қабул қилган қарорлари мажбурий ҳисобланади. Маъмурий назорат органларининг ваколатлари кучли бўлган давлатлар қаторига Ҳиндистон ва Мексика каби давлатларни киритиш мумкин⁸⁵.

Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқининг таъминланаётганлиги устидан назорат олиб бориш тартибига доир нормалар Россия Федерациясининг “Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақидаги ахборотлардан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонунида ҳам учрайди. Мазкур Қонуннинг 24-моддасида давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқининг таъминланаётганлиги устидан назорат олиб борувчи шахслар таркиби, уни

⁸⁴ Олейник С.А, Мельничук М.А. Правовое регулирование доступа к информации на примере Канады (сравнительно-правовая характеристика) https://cyberleninka.ru/article_/n/pravovoe-regulirovanie-dostupa-k-informatsii-na-primere-kanady-sravnitelno-pravovaya-harakteristika

⁸⁵ Комментарии к закону «О защите государственных секретов Кыргызской Республики» // Дэвид Банисар Директор проекта «Свобода информации», Прайвеси интернешнл. Сентябрь 2005 года// <https://www.osce.org/files/f/documents/c/0/16843.pdf>

тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бу борадаги прокурор назоратига доир нормалар назарда тутилган.⁸⁶

Швециянинг информацион қонунчилигининг муҳим хусусиятларидан бири қарздорнинг қарзи тўлангандан кейин ҳам, унинг қарзи ҳақидаги маълумотлар яна уч йил сақланади.

Бундан ташқари, муассасалар ўртасида ҳужжатларни электрон алмашинув тизими Дания давлатида кенг йўлга қўйилган. Ҳар хил давлатлар электрон ахборот алмашинув тизимини бир бирига боғловчи ягона дастур йўлга қўйилган. Ушбу дастурнинг номи: «XML-INFOSTRUCTUREBASE». Қолаверса мазкур давлатда э-боок (электрон китоб) тизими йўлга қўйилган бўлиб, бу тизимнинг мақсади қоғоз жўнатмаларни электрон ҳужжатларга алмаштириш ва уларни ҳимоя қилинган почта қутиси орқали қайта жўнатиш. Ҳар бир почта қутиси фуқаронинг шахсийлаштирилган рақами билан тўлдирилган. Чет эл тажриба таҳлили кўрсатишича ижро этиш жараёнида асосий йўналишлардан бири энг аввало ижро ҳужжатларининг электрон кўриниши мақомини мустаҳкамлаш ва уларга юридик куч берилишидир. Шундай қилиб, Швецияда электрон тизимдан фойдаланган ҳолда ижро ҳаракатларининг қарийиб 75 фоизи уч ойлик муддатда тугатилади⁸⁷.

Финляндия давлатида 2000 йил 1 январдан бошлаб давлат муассасаларида электрон техникаларни қўллаш бўйича махсус қонун амалга киритилган. Қонунга кўра электрон ҳужжат бу электрон хабардир⁸⁸.

Чехия давлатида 2009 йил, 1 июлдан бошлаб «Электрон иш бошқариш ва ҳужжатларнинг автоматик конверсияси тўғрисида»ги қонун кучга кирган. Ушбу қонун давлат органлари ўртасида электрон ахборот алмашинувида изчилликни таъминлаб, ҳужжатларнинг жўнатилган вақти ҳамда жўнатилганлик ҳисоботини ўзида сақлайдиган дастур ишга туширилишини назарда тутди. Электрон яшиқлар мажбурий тартибда барча давлат органлари

⁸⁶ Федеральный закон Российской Федерации от 9 февраля 2009 года №8-ФЗ «Об обеспечении доступа к информации о деятельности государственных органов и органов местного самоуправления» // <https://digital.gov.ru/ru/documents/3639/>

⁸⁷ <https://globalarbitrationreview.com/jurisdiction/1000227/sweden>

⁸⁸ https://e-justice.europa.eu/content_access_to_justice_in_envi

учун фаолият юритади, суд ижрочилари фаолиятида ҳам ундан кенг фойдаланилади⁸⁹.

Хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунига ўхшаш қонунларда айрим ижобий жиҳатларни кўриш мумкин. Хусусан, Россия Федерациясининг 2010 йил 1 январдан кучга кирган “Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақидаги ахборотлардан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги қонуни 1-моддасида ушбу Қонунда қўлланиладиган тушунчаларнинг таснифи берилган. Унга кўра, ахборот олиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг таърифи ҳамда уларнинг аниқ рўйхати ўз ифодасини топган бўлиб, ахборотдан фойдаланувчи сифатида фуқаро (жисмоний шахс), ташкилот (юримдик шахс), жамоат бирлашмалари, давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари эътироф этилган⁹⁰.

Германиянинг 1998 йил 10 мартда қабул қилинган “Расмий ҳужжатлар билан танишиш ва ахборот олиш ҳуқуқи тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасида ахборот олиш ҳуқуқига ҳар қандай шахс, шу жумладан чет эл фуқароси ҳам эга бўлиши белгиланиб, ахборотдан фойдаланувчи субъектлар доираси чекланмаган⁹¹.

Бельгия Қироллигининг “Маъмурият соҳасида ошкоралик тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида ҳам худди шунга ўхшаш норма мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўриш мумкин⁹². Шундай экан, *Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунида ҳам ахборотдан фойдаланувчиларнинг*

⁸⁹ https://e-justice.europa.eu/content_how_to_proceed-34-cz-e..

⁹⁰ Федеральный закон от 09.02.2009 N 8-ФЗ (ред. от 28.12.2017) «Об обеспечении доступа к информации о деятельности государственных органов и органов местного самоуправления» // www.consultant.ru (Дата сохранения: 01.08.2020 г.).

⁹¹ Gesetz zur Regelung des Zugangs zu Informationen des Bundes vom 5. September 2005 (BGBl. I S. 2722), geändert durch Artikel 2 Absatz 6 des Gesetzes vom 7. August 2013 (BGBl. I S. 3154).

⁹² Королевство Бельгия Закон «О гласности в сфере администрации» // https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=1020187; Доклад на тему: «Объективные предпосылки разработки и принятия Закона Республики Узбекистан «Об открытости деятельности органов государственной власти и управления» на международном «круглом столе» // http://old.mtc.uz/en/press_center/speeches_statements/2345/

рўйхатини кенгайтириш ва шу мақсадида ахборот олиш ҳуқуқига ҳар қандай шахс, шу жумладан чет эл фуқароси ҳам эга бўлишини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш устидан назорат қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилади.

Бу каби назорат аксарият давлатларда парламент томонидан тайинланадиган ихтисослаштирилган омбудсманлар томонидан амалга оширилади. Масалан, Ирландияда ахборот масалалари бўйича комиссарга (англосаксон анъаналари бўйича омбудсманни комиссар деб аташ қабул қилинган) ахборот олиш ҳуқуқи бузилган шахс ариза билан мурожаат қилиши мумкин бўлиб, комиссарнинг бу борада қабул қилган қарори мажбурий кучга эга бўлади. Канадада комиссарнинг бу борада қабул қилган қарори мажбурий кучга эга бўлмаса-да, бироқ у текшириш ишларини амалга ошириши ва давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан бу борада йўл қўйилган қонун бузилиш ҳолатларининг рўйхатини оммавий равишда эълон қилиши белгилаб қўйилган. Ундан ташқари, ахборот олиш ҳуқуқи масалалари бўйича Комиссар ҳар йили давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан “Ахборот олиш ҳуқуқи тўғрисида”ги Қонун талаблари қандай бажарилаётганлиги ҳақида парламент олдида маъруза тайёрлайди. Комиссарнинг ушбу маърузаси унинг сайтида эълон қилинади ва у барча учун очиқ ҳисобланади⁹³.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш устидан назоратни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунига ҳам *давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот*

⁹³ Олейник С.А, Мельничук М.А. Правовое регулирование доступа к информации на примере Канады (сравнительно-правовая характеристика) https://cyberleninka.ru/article_/n/pravovoe-regulirovanie-dostupa-k-informatsii-na-primere-kanady-sravnitelno-pravovaya-harakteristika

олиш ҳуқуқини амалга ошириш устидан назорат қилиш масалаларини тартибга солувчи нормаларни киритиш таклиф қилинади.

Айрим хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасида ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш устидан назорат махсус маъмурий комиссиялар томонидан олиб борилади. Мазкур назорат моделининг афзаллиги шундаки, назорат ихтисослаштирилган ва маъмурий кучга эга бўлган ҳукумат комиссияси томонидан амалга оширилиб, унинг қабул қилган қарорлари мажбурий ҳисобланади. Маъмурий назорат органларининг ваколатлари кучли бўлган давлатлар қаторига Ҳиндистон ва Мексика каби давлатларни киритиш мумкин⁹⁴.

Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқининг таъминланаётганлиги устидан назорат олиб бориш тартибига доир нормалар Россия Федерациясининг “Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақидаги ахборотлардан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонунида ҳам учрайди. Мазкур Қонуннинг 24-моддасида давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқининг таъминланаётганлиги устидан назорат олиб борувчи шахслар таркиби, уни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бу борадаги прокурор назоратига доир нормалар назарда тутилган⁹⁵.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш устидан назоратни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунига ҳам давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олиш

⁹⁴ Комментарий к закону «О защите государственных секретов Кыргызской Республики» // Дэвид Банисар Директор проекта «Свобода информации», Прайвеси интернешнл. Сентябрь 2005 года// <https://www.osce.org/files/f/documents/c/0/16843.pdf>

⁹⁵ Федеральный закон Российской Федерации от 9 февраля 2009 года №8-ФЗ «Об обеспечении доступа к информации о деятельности государственных органов и органов местного самоуправления» // <https://digital.gov.ru/ru/documents/3639/>

хуқуқини амалга ошириш устидан назорат қилиш масалаларини тартибга солувчи нормаларни киритиш таклиф қилинади.

Бундан ташқари, бу масалада Корея Республикасининг амалиётини таҳлил этадиган бўлсак, Корея Республикаси хуқуқни муҳофаза қилувчи органлари (прокуратура, адлия, полиция ва суд) нинг жиноят иши қўзғатиш, тергов ҳаракатлари ўтказиш, судлов ва суд қарорлари ижросини таъминлаш бўйича ўзаро ахборот алмашинувини таъминлаш ва маълумотлардан биргаликда фойдаланиш мақсадида “KICS” тизими жорий этилган.

Прокуратура органлари фаолиятини тўлақонли рақамли трансформация қилиш ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланишдаги муаммолар таҳлили ва уларни ҳал қилиш бўйича ечимларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, Корея Республикаси хуқуқни муҳофаза қилувчи органлари (прокуратура, адлия, полиция ва суд) нинг жиноят иши қўзғатиш, тергов ҳаракатлари ўтказиш, судлов ва суд қарорлари ижросини таъминлаш бўйича ўзаро ахборот алмашинувини таъминлаш ва маълумотлардан биргаликда фойдаланиш мақсадида “KICS” тизими жорий этилган бўлиб, ушбу тизимга бошқа давлат органлари ва идоралар ҳам интеграция қилинган бўлиб, “KICS” тизимининг фақат сўровлари бўйича маълумот тақдим этиши йўлга қўйилган.

3.2. Прокуратура органлари фаолиятини тўлақонли рақамли трансформация қилиш ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланишдаги муаммолар таҳлили ва уларни ҳал қилиш бўйича ечимлар

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура хузуридаги Департамент, Мажбурий ижро бюроси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси, шунингдек, Олий суд ўртасида жиноят ишини юритиш бўйича ягона ахборот тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур тизимга:

1) суриштирув ва тергов органлари томонидан:

- ходисага доир дастлабки маълумотлар;
- жиноят иши кўзғатилиши ҳақидаги маълумотлар;
- ўтказилаётган тергов ҳаракатлари ҳақидаги маълумотлар;
- жиноят иши бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва бошқа иштирокчилар ҳақидаги маълумотлар;

- жиноят иши бўйича дастлабки терговни тамомлаш ҳақидаги маълумотлар киритилади;

2) судлар томонидан жиноят иши бўйича қабул қилинган қарорлар киритилади;

3) Мажбурий ижро бюроси томонидан:

- суд қарорига асосан жиноий жариманинг ундирилиши;
- жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ундирилиши;
- жиноят иши бўйича хатланган мол-мулкнинг сотилиши билан боғлиқ маълумотлар киритилади.

Мазкур тизимнинг жорий этилиши:

мазкур органларнинг терговга қадар текширув, суриштирув, тергов, судлов ва жиноий суд қарорларини ижро этиш билан боғлиқ маълумотларнинг ягона электрон базасини яратиш;

маълумотларни ўзаро алмашинуви ва улардан фойдаланиш;

маълумотларнинг ҳар бир орган томонидан такрор ва такрор қайд этилишининг олдини олиш;

зарур маълумотларни (масалан, судланганлик, қидирувдагилар, бедарак йўқолганлар, шахси номаълум мурдалар, ва бошқа) электрон тизим орқали тезкорлик билан қидириб топиш;

қоғоз сарфи ва харажатларни камайтириш;

жиноятларни ўз вақтида ва ҳаққоний қайд этиш;

жиноятни ҳисобдан яшириш ҳолатларини олдини олиш;

тергов ва суриштирув ходимларининг иш ҳажми ва вақт сарфини қисқартириш;

прокуратура органлари томонидан суриштирув, тергов ва суд ижро департаменти органлари фаолиятида ходисанинг рўйхатга олинishiдан суд қарорлари ижросининг таъминланишига қадар барча жараёнларнинг онлайн назорати тизимини йўлга қўйиш ва амалга ошириш;

жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчилар учун терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ва судлов жараёнларига оид маълумотлар олиш имконини яратиш ҳамда шу орқали ушбу жараёнларнинг шаффофлигини таъминлаш;

статистик маълумотларни тезкор шакллантириш ва ҳаққонийлигини таъминлаш;

жиноятчилик, тергов ва суд амалиётини тизимли равишда тўлиқ таҳлил қилиш ҳамда зарур чора-тадбирлар белгилаш, шу жумладан фаолиятни ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек ягона суд амалиётини шакллантиришга эришиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК, “Прокуратура тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек идоравий норматив ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лозим.

Бу борада прокуратура органлари фаолиятидаги ҳисоботга тўхталадиган бўлсак, “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизими ижро интизомини онлайн равишда назорат қилишга, ҳужжатларнинг йўқолиб кетиш хавфини истисно қилишга, ходимлар жойлашишидан қатъи назар ҳужжатлар алмашинувини тезкор равишда таъминлашга, қоғоз ва почта харажатларининг камайишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 октябрдаги ПФ-5566-сон Фармони ижроси бўйича бошқарма томонидан «**Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика**» ягона ахборот тизими ишлаб чиқилиб, ишга туширилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими ўртасида ўзаро ҳамкорликда ахборот технологияларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Республикада ҳуқуқбузарликлар ҳамда ижтимоий хавфли қилмишларнинг ягона ҳисобини шакллантириш мақсадида дастурга барча жиноятлар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича маълумотларни киритиш таклиф қилинади.

“KICS” тизимида жабрланувчиларга персонал кабинет очиш ҳамда тергов органига келмасдан туриб, интернет тармоғи ёрдамида жиноят иши бўйича терговнинг бориши тўғрисида ва бошқа зарур маълумотларни олиш имконияти яратилган.

Ушбу тизимни жорий этиш жараёнида бундай интерактив хизмат кўрсатишни ҳам назарда тутиш, бунда нафақат жабрланувчиларга, балки гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчиларга ҳам имконият яратиш лозим.

Мазкур интерактив хизмат кўрсатишнинг жорий этилиши тергов жараёнида турли қонун бузишларнинг (тергов муддатини бузиш, асоссиз тўхтатиш, тугатиш ва ш.к.) олдини олади ҳамда тергов органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПК ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда идоравий норматив ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади.

“KICS” дастури тўртта идора, яъни полиция (ички ишлар), прокуратура, суд ҳамда адлия вазирлигининг дастурлари интеграциялаштирган.

Бош прокуратура базасида судларда ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлашга қаратилган дастурга Олий суднинг ҳисобот дастурини интеграция қилиш таклиф қилинмоқда.

Дастурга суд тизимини киритилиши суд қарори чиқарган судьянинг қарорни ЖПКда белгиланган муддатда тарафларга тақдим қилинишини таъминлайди, суд қарорларининг қонунийлигини ўз вақтида ўрганиш ва тегишли муносабат билдириш муддатини қисқартиради, прокуратура ҳамда суд идоралари ўртасида ҳисоботларни солиштириш имконини беради.

Бундан ташқари, масаланинг иккинчи томони ҳам борки, масалан, суд фаолияти тўғрисида ОАВ орқали барча маълумот ва ахборотларнинг бериб

борилиши маълум даражада айрим гуруҳлар ёки алоҳида шахсларнинг манфаатларига боғлиқ бўлиб, прокуратура ва судлар ўз фаолиятлари тўғрисида маълумотлар бериш имкониятини чеклайди. Бунинг натижасида баъзи бир ОАВнинг носоғлом ва ғайриинсоний баёнлари прокуратура органлари ва суд ҳокимиятининг обрўсига жиддий путур етказди. Шу ўринда қуйидаги мисолни келтирамиз.

ОАВ вакилларининг прокуратура ва судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқни амалга ошириш билан бир қаторда ОАВ эркинлигини суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслик, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатишни олдини олиш масалаларини ҳам ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда прокуратура ва судлар фаолиятининг очиклигини таъминлаш борасида судларнинг ОАВ билан ҳамкорлик масалаларини янада юқори даражага олиб чиқиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда бу борадаги ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш талаб этилади.

Фикримизча, юқорида санаб ўтилган таҳдидларга қарши курашиш, прокуратура органлари ва судлар ҳамда ОАВ ўртасидаги ўзаро самарали ҳамкорликка ҳалақит қиладиган муаммоларнинг пайдо бўлишини олдини олиш ва уларни ҳал этиш, шунингдек прокуратура органлари ва суд ҳокимияти ҳамда ОАВ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг самарадорлигини ошириш учун ўзаро ҳамкорлик қуйидаги тамойилларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши керак:

1. Муносабатлар ўзаро ишончга асосланган бўлиши керак, яъни ОАВда бериладиган маълумотлар тўғри ва очик тақдим этилиши назарда тутилади.

2. Томонларнинг ўзаро жавобгарлиги. Бунда ОАВга тақдим этилган маълумотлар, уларнинг мазмуни ва таркибини бузмасдан тезкорлик билан эълон қилиниши мақсадга мувофиқ.

3. Ўзаро манфаатдорлик. ОАВ вакиллари турли шов-шувли маълумотларнинг ортидан қувмасликлари, ўз наشرларига мунтазам равишда прокуратура органлари ва суд фаолиятига доир ишончли ва муҳим янгиликлар, ахборот материалларини бериб боришлари талаб этилади.

4. Жамоатчилик манфаати. ОАВ учун прокуратура органлари ҳамда суд фаолиятига оид хабарлар ва материалларни чоп этиш учун материал танлашнинг мезони ташкилот ёки ОАВнинг қизиқиши эмас, балки жамоатчиликнинг манфаати бўлиши керак.

5. Ахлоқ қоидаларига риоя этиш. ОАВ ва жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассисларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида ахлоқ (этика) қоидаларига риоя қилиш муҳим ҳисобланади. Ушбу муносабатлар журналистлар ҳамжамиятининг профессионал анъаналари, шунингдек жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассислар ва суд ҳамжамиятининг ахлоқий қоидалари таъсирида шаклланади.

6. Шаффофлик. Прокуратура органлари ва суд фаолияти билан боғлиқ маълумотлар (қонуний чекловлар билан боғлиқ ишлар бундан мустасно) тезкор равишда матбуотга етказилиши, судлар тегишли қонунчилик ва норматив ҳужжатларга амал қилган ҳолда журналистлар билан мулоқотда очик бўлишлари керак.

7. Объективлик. ОАВ прокуратура органлари ва суд фаолиятини энг ишончли, объектив ёритишга интилиши, ўз шарҳлари ва таҳлилларида ахлоқий ва профессионал чегараларни кесиб ўтмаслиги керак.

8. Технологик имконият. Прокуратура органларининг жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик бошқармаси, вилоятлардаги прокуратура органларида ташкил этиладиган матбуот хизматлари журналистларнинг прокуратура органлари ва суд фаолиятига оид маълумотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлган технологик имконият ва кадрлар базасига эга бўлиши керак.

Прокуратура органлари ва судларининг, шу жумладан, судьялар ҳамжамиятининг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлигини ўрганиш бўйича ўтказилган

тадқиқотлар, шунингдек мазкур ҳамкорлик натижалари соҳада қуйидаги муаммолар мавжудлигини кўрсатади:

Биринчидан, прокуратура органлари, судлар, судьялар ҳамжамиятининг ва ОАВ ўртасидаги муносабатлар етарли даражада қонуний тартибга солилмаган. Шунингдек, журналистларнинг суд қарорларида келтирилган маълумотлардан фойдаланиш тартиби норматив ҳуқуқий ҳужжатларда тўлиқ ўз ифодасини топмаган. Фикримизни далили сифатида юридик адабиётларда ҳам бу ҳолат ҳар икки томоннинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини ноаниқ ва зид-диятли тарзда изоҳлаш имкониятини бериши ҳақида айтилади⁹⁶.

Кўриб турганимиздек, Қонунда журналистлар билан судья ва унинг юритувида бўлган ишлар ҳақида мулоқот қилиш борасида ҳуқуқлари мустақкамлаб қўйилган. Бироқ бошқа томондан, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 69-моддасига мувофиқ, судьядан кўрилган ёки иш юритишидаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади. Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилиб қўйишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас⁹⁷.

Бу эса судья билан ОАВ вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги борасидаги аксарият масала судьянинг ихтиёрида қолишини кўрсатади.

Юқоридаги қонун нормаларидаги ўзаро номувофиқликлар бартараф этилиши баробарида қонун чиқарувчи томонидан суд ҳокимияти ва ОАВ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг амалга оширилишини белгиловчи тартибнинг ишлаб чиқилиши долзарб аҳамият касб этади.

⁹⁶ Савина Т.А. Проблемы взаимодействия судебной власти со средствами массовой информации // <http://www.ieml.ru/economproblem/2008/3/11.html>

⁹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон

Иккинчидан, ОАВ билан прокуратура органлари, судлар, судьялар ҳамжамияти ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимли равишда олиб борилиши муҳим. Таҳлиллар бу фаолият олдиндан режалаштирилмаслигини, бу борада медиа режалаштириш тизимли равишда йўлга қўйилмаганлигини кўрсатади.

Шунингдек, прокуратура органлари, судлар, судьялар ҳамжамияти ва судьяларнинг ОАВда ўз фаолиятини ёритишга қаратилган манфаатдорлигини ошириш, ошкораликни ноқонуний ва асоссиз чеклашлар, суд мажлисларида журналистларнинг иштирок этишини тақиқлаш тўғрисидаги қуйи суд қарорларига юқори судларнинг эътиборини оширишга қаратилган яхлит ҳуқуқий ва амалий чора-тадбирларни назарда тутувчи дастур ишлаб чиқиш вақти келди.

Учинчидан, прокуратура органлари, судлар ОАВ билан ишлайдиган мутахассислар - матбуот котиблари билан етарли даражада таъминланмаган.

Тўртинчидан, прокуратура органлари фаолияти, суд тизимида ишлаш учун матбуот котибларини ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш амалиёти мавжуд эмас. Ўз навбатида мазкур муаммонинг ечими сифатида юридик адабиётларда ҳам айрим ҳуқуқшунос олимлар юридик ва журналистлик олий ўқув юртлари ёки малака ошириш муассасаларида “Ахборот ҳуқуқи” махсус курсини ўқитиш вақти келганлигини таъкидлайдилар⁹⁸.

Бешинчидан, прокуратура органлари, суд ҳокимиятининг, судьялар ҳамжамиятининг фаолиятини ёритаётган аксарият журналистлар юридик маълумотга эга эмас. Улар суднинг ўзига хос хусусиятларини, маълумотлардан фойдаланиш қоидаларини ва ҳоказоларни тўлиқ билишмайди.

Ўз навбатида, юқорида қайд этилган муаммоларнинг ҳал этилмаслиги прокуратура органлари, суд билан ОАВ вакиллари ўртасида тизимли равишда ўзаро тушунмовчиликларга ҳамда прокуратура органлари, судлар ва фуқаролик жамияти институтлари бир-бирларидан узоқлашишига олиб

⁹⁸ Орлова Ю.О. Средства массовой информации в деятельности по формированию авторитета судебной власти // Дисс. канд. полит. наук. -М. 2004. – 11 с.

келади. Шунингдек, прокуратура органлари фаолиятидаги механизм, судда кўриб чиқиладиган ишлар тўғрисида тезкор маълумотларни тақдим этиш механизмининг йўқлиги суд тизими фаолиятининг шаффофлигини шубҳа остига олиб келади.

Юқорида прокуратура органлари, суд фаолияти тўғрисида ОАВ орқали барча маълумот ва ахборотларнинг бериб борилиши маълум даражада айрим гуруҳлар ёки алоҳида шахсларнинг манфаатлари хизмат қилиши, бу эса миллий хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирдик. Шунингдек, баъзи бир ОАВнинг носоғлом ва ғайриинсоний баёнлари суд ҳокимиятининг обрўсига жиддий путур етказади.

Юридик адабиётларда ОАВнинг маълум маънода ахборотга ва шунингдек миллий хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган омиллари ҳақида фикр билдирилиб, улар қуйидагиларда намоён бўлиши кўрсатилади:

шахсий ҳаётга, шу жумладан шахсий ва оилавий сирларга дахл қилиши, инсон табиий ҳуқуқларининг бузилиши учун имкон яратиш;

жамоат фикрини сиёсий манипуляция қилиш (ҳукмронлик қилиш ва иродани бостириш);

ОАВ ва унинг тизимини монополлаштириш;

“ахборот уруши”нинг пайдо бўлиши сабаб бўлувчи сиёсий ва иқтисодий манфаатлар курашини келтириб чиқариш⁹⁹.

Бизнинг фикримизча, суд ҳокимияти ва ОАВ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш юқорида баён этилган принципларга асосланиши ва бир-бирига боғлиқ бўлган бир қатор тадбирларни қамраб олиши керак.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида ташкил этилиши белгиланган Жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик бошқармаси, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасидаги матбуот хизматлари суд тизимида ахборот оқимларини самарали бошқаришлари учун

⁹⁹ Касимов А.А., Бектурова Г.Н., Кабиева Р.М. Взаимодействие судебной системы и средств массовой информации // <https://sud.gov.kz/rus/content/vzaimodeystvie-sudebnoy-sistemy-i-smi>

юриспруденция ва журналистика соҳасида билимга эга бўлган профессионал мутахассисларга, яъни матбуот котибига эга бўлишлари талаб этилади.

Шундай қилиб, матбуот котиби фаолиятининг асосий йўналишлари, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

прокуратура органлари, суд фаолиятини ОАВ билан ўзаро муносабатлар бўйича режалаштириш;

прокуратура органлари, суд фаолияти тўғрисида ОАВ ва жамоатчиликни хабардор қилиш (журналистларга суд қарорлари ва тегишли эксперт шарҳлари билан таъминлаш);

потенциал матбуот қизиқишлари учун ОАВ ва прокурор протести, суд қарорларини мониторинг қилиш;

журналистлар учун махсус тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш;

прокуратура органлари, суд фаолиятини ОАВда тушунтириш ва тарғиб қилиш;

матбуотдаги нашрларга тезкор жавоб бериш;

расмий веб-сайтни ахборот билан таъминлаш.

